

**ЎЗБЕК ТИЛИ, АДАБИЁТИ ВА ФОЛЬКЛОРИ ИНСТИТУТИ  
ҲУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ  
DSc.02/30.12.2019.Fil.46.03 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ  
ТЕРМИЗ ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ**

**УМУРҚУЛОВ БЕКПЎЛАТ**

**ЎЗБЕК БАДИИЙ НАСРИНИНГ ЛИНГВО-УСЛУБИЙ ШАКЛЛАНИШ  
АСОСЛАРИ**

**10.00.01 – Ўзбек тили**

**ФИЛОЛОГИЯ ФАНЛАРИ ДОКТОРИ (DSc)  
ДИССЕРТАЦИЯ АВТОРЕФЕРАТИ**

**Тошкент – 2020**

**Докторлик (DSc) диссертацияси автореферати мундарижаси**  
**Оглавление автореферата докторской (DSc) диссертации**  
**Content of the abstract of the doctoral (DSc) dissertation**

**Умурқулов Бекпўлат**

Ўзбек бадий насрининг лингво-услубий шаклланиш асослари.....5

**Умурқулов Бекпулат**

Основы лингвостилистического формирования узбекской художественной прозы.....33

**Umurqulov Bekpulat**

Linguo-stylistic formation basis of the Uzbek literary prose.....67

**Эълон қилинган ишлар рўйхати**

Список опубликованных работ

List of published works.....72

**ЎЗБЕК ТИЛИ, АДАБИЁТИ ВА ФОЛЬКЛОРИ ИНСТИТУТИ  
ҲУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ  
DSc.02/30.12.2019.Fil.46.03 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ  
ТЕРМИЗ ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ**

**УМУРҚУЛОВ БЕКПЎЛАТ**

**ЎЗБЕК БАДИИЙ НАСРИНИНГ ЛИНГВО-УСЛУБИЙ ШАКЛЛАНИШ  
АСОСЛАРИ**

**10.00.01 – Ўзбек тили**

**ФИЛОЛОГИЯ ФАНЛАРИ ДОКТОРИ (DSc)  
ДИССЕРТАЦИЯ АВТОРЕФЕРАТИ**

**Тошкент – 2020**

Докторлик диссертацияси мавзуси Ўзбекистон Республикаси  
Вазирлар Маҳкамаси хузуридаги Олий аттестация комиссиясида  
B2020.1.DSc/Fil204 рақам билан рўйхатга олинган.

Диссертация Термиз давлат университетида бажарилган.

Диссертация автореферати учта тилда (Ўзбек, рус, инглиз) Илмий кенгаш веб саҳифасининг [www.tai.uz](http://www.tai.uz) ҳамда «Ziyonet» ахборот таълим портали [www.ziyonet.uz](http://www.ziyonet.uz) манзилига жойлаштирилган.

Илмий маслаҳатчи:

Мирзаев Ибодулла Камолович  
филология фанлари доктори, профессор

Расмий оппонентлар:

Маматов Абди Эшонқулович  
филология фанлари доктори, профессор

Каримов Суюн Амирович  
филология фанлари доктори, профессор

Хакимова Мухайё Каримовна  
филология фанлари доктори

Етакчи ташкилот:

Фарғона давлат университети

Диссертация ҳимояси ЎЗР ФА Ўзбек тили, адабиёти ва фольклори институти хузуридаги илмий даражалар берувчи DSc.02/30.12.2019.Fil.46.03 рақамли Илмий кенгашнинг 2020 йил «28» XII соат 11<sup>00</sup> даги мажлисида бўлиб ўтади (Манзил: 100060, Тошкент шаҳри Шаҳрисабз тор кўчаси, 5-уй. Тел.: (871)233-36-50, факс: (871) 233-71-44; e-mail: [uztafi@academy.uz](mailto:uztafi@academy.uz)).

Диссертация билан Ўзбекистон Республикаси Фанлар академиясининг Асосий кутубхонасида танишиш мумкин (45 рақам билан рўйхатга олинган). (Манзил: 700170, Тошкент шаҳри Зиёлилар кўчаси, 13-уй. Тел.: (871) 262-74-58.

Диссертация автореферати 2020 йил «17» XII да тарқатилди.  
(2020 йил «17» XII 5 даги рақамли реестр баённомаси).



Н.М. Маҳмудов  
Илмий даражалар берувчи  
илмий кенгаш раиси, ф.ф.д., профессор

Г.М. Исмаилов  
Илмий даражалар берувчи илмий  
кенгаш илмий котиби, ф.ф.н.

Д.С. Худойберганова  
Илмий даражалар берувчи илмий  
кенгаш қошидаги илмий семинар  
раиси, ф.ф.д., профессор

## Кириш (докторлик (DSc) диссертацияси аннотацияси)

**Диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати.** Жаҳон тилшунослигида бадий матнда сўзнинг поэтик вазифасини тадқиқ этиб, тил воситаларининг бадий-эстетик моҳиятини ёритиб берувчи тадқиқотларга қизиқиш кучайиб бормоқда. Зеро, лингвистик воситаларнинг бадий матнлардаги поэтик хусусиятларини таҳлил қилиш, бадий матннинг лингво-услубий жиҳатдан ўзига хослиги қонуниятларини ўрганиш умумфилологик муаммолардан бўлиб, уни тадқиқ қилишнинг илмий йўналишлари ва усуллари кўп қирралидир. Бадий матннинг тилшунослик нуқтаи назаридан таҳлили ушбу масаланинг моҳиятини очиб беришда муҳим назарий ҳамда амалий аҳамиятга эга. Тилшунослик фани бадий насрни миллий тилнинг яшаш шаклларида бири, адабий тил услубларининг ўзига хос кўриниши, тилнинг бадий-эстетик вазифаларини юзага чиқарувчи нутқий жараён, нутқий санъат ва маҳорат қирраларини намоён этувчи ўзига хос лисоний майдон тарзида тушунади ва ўрганади.

Дунё тилшунослигида бадий нутқни ўрганишнинг муҳим усулларида бири луғавий-услубий таҳлил бўлиб, бу усулда бадий нутқнинг луғат таркиби ва фразеологияси, бу воситаларнинг ўзига хос қўлланиши муаммолари ўрганилади. Бадий матнларни луғавий-услубий жиҳатдан таҳлил қилиш ва турли жанрларни лингвистик хусусиятларини ўзаро таққослаш бадий матн ва унинг қонуниятлари ҳақида муҳим хулосалар чиқариш учун асос бўлиши шубҳасиздир. Шу маънода бадий матнга хос хусусиятларни аниқлаш ўзбек тилшунослигининг муаммоларидан бўлиб, ўрганилаётган мавзунинг долзарблигини белгилайди.

Ўзбек тилшунослиги, қисман, адабиётшунослиги бадий матнни тадқиқ қилиш соҳасида маълум тажрибаларга эга. Бироқ ўзбек бадий нутқининг ёки алоҳида адабий турларнинг тил хусусиятларини, сўз қўллашдаги ўзига хос қонуниятларни ёритишга қаратилган тадқиқотлар етарли даражада эмас. «Она тилимизнинг давлат ва жамият ҳаётидаги таъсири ва мавқеини янада ошириш бўйича олдимизда ўта муҳим ва долзарб масалалар турибди»<sup>1</sup>. Ўзбек бадий адабиёти тилининг кўпгина умумназарий муаммолари бўйича кенг қамровли ва теран тадқиқотлар олиб бориш ҳам шундай вазифалардан биридир. Бундай ишларнинг юзага келишидан нафақат тилшунослик, балки адабиётшунослик, эстетика, одобшунослик, кенг маънода, ўзбек миллий маданияти ва тафаккур тарихи манфаатдордир.

Бадий матнни ўрганиш усуллари кўп қиррали бўлиб, турли бадий жанрларни лингвистик жиҳатдан алоҳида олинган ҳолда таҳлил қилиш, ундаги турли услубий қатламларга доир сўзларнинг қўлланиш қонуниятларини кузатиш бу соҳанинг муаммоларидан биридир. Зеро, ўзбек насри ва шеърининг нутқи ўз луғавий хусусиятларига кўра фарқланади. Насрий

---

<sup>1</sup> Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг «Миллий ўзлигимиз ва мустақил давлатчилигимиз тимсоли» мавзусида Ўзбек тилига тавлат тили мақоми берилганининг ўттиз йиллигига бағишланган тантанали маросимдаги нутқи // Халқ сўзи, 2019, 22 октябрь, №218 (7448)

асарларнинг поэтик асарларга нисбатан луғавий қамрови кенг. Шунинг учун бадий жанрларни луғавий-услубий хусусиятларига кўра фарқлаган ҳолда ўрганиш мақсадга мувофиқдир. Бундай тадқиқот ишлари, биринчидан, тил воситаларининг бадий жанрларда табақаланиш қонуниятларини, иккинчидан, луғавий воситаларнинг турли жанрларда қўлланиш хусусиятларини, учинчидан, луғавий воситаларнинг образ яратиш жараёнидаги ўрни ва вазифасини аниқлаш имконини беради.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 16 февралдаги «Олий ўқув юртидан кейинги таълимни янада такомиллаштириш тўғрисида»ги ПФ-4958-сон, 2019 йил 8 октябрдаги «Ўзбекистон Республикаси олий таълим тизимини 2030 йилгача ривожлантириш концепциясини тасдиқлаш тўғрисида»ги ПФ-5847-сон, 2019 йил 21 октябрдаги «Ўзбек тилининг давлат тили сифатидаги нуфузи ва мавқеини тубдан ошириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги ПФ-5850-сон, 2020 йил 20 октябрдаги «Мамлакатимизда ўзбек тилини янада ривожлантириш ва тил сиёсатини такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги ПФ-6084-сон фармонлари, 2017 йил 20 апрелдаги «Олий таълим тизимини янада ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги ПҚ-2909-сон қарорини амалга ошириш бўйича чора-тадбирлар дастури ҳамда бошқа меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларда қайд этилган вазифаларнинг бажарилишида тадқиқот иши маълум даражада хизмат қилади.

**Тадқиқотнинг республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига мослиги.** Мазкур тадқиқот республика фан ва технологиялари ривожланишининг I. «Демократик ва ҳуқуқий жамиятни маънавий-ахлоқий ва маданий ривожлантириш, инновацион иқтисодиётни шакллантириш» устувор йўналиши доирасида бажарилган.

**Диссертация мавзуси бўйича халқаро илмий тадқиқотлар шарҳи<sup>2</sup>.**

Бадий матннинг луғавий-услубий хусусиятларини лингвистик жиҳатдан ўрганиш дунёнинг турли мамлакатларидаги университетларда, илмий муассасаларда, жумладан, Варвик университети, Ланкастер университети, Оксфорд университети (Буюк Британия), Колумбия университети (АҚШ), Галати университети (Руминия), Ноттингем Нингбо университети (Хитой), Озод Ислом университети (Эрон), Ҳашемите университети (Иордания), Россия фанлар академияси Тилшунослик институти, Москва давлат университети, Москва давлат педагогика университети, Санкт-Петербург давлат университети, Волгоград давлат ижтимоий-педагогика университети, Кубан давлат университети, Бурятия давлат университети, Қозон давлат университети, Саратов давлат университети, Пермь давлат университети (Россия), Самарқанд давлат

---

<sup>2</sup> Диссертация мавзуси бўйича хорижий илмий тадқиқотлар <https://www.disercat.com>, <https://www.sgu.ru>, [www.dslib.net](http://www.dslib.net), <https://www.sciencedirect.com>, <https://link.springer.com>, [www.amazon.com](http://www.amazon.com), [www.lancaster.ac.uk](http://www.lancaster.ac.uk) ва бошқа манбалар асосида амалга оширилди.

университети, Қарши давлат университети, Қўқон давлат педагогика институтларида (Ўзбекистон) тадқиқотлар олиб борилмоқда.

Жаҳон тилшунослигида бадиий асар тили ва унинг ўзига хос хусусиятларини турли аспектларда ўрганиш асосида қуйидаги илмий натижаларга эришилган: шеърӣ, насрий ва драматик асарларнинг лингвистик хусусиятлари алоҳида жанрлар мисолида инглиз олими Майк Шорт томонидан таҳлил қилинган. (Ланкастер университети, Буюк Британия); бадиий асар тили одатдаги тил билан қиёсланган ҳолда тадқиқ қилинган (Ноттингем Нингбо университети, Хитой); тасвирий воситалар, уларнинг бадиий нутқ жараёнидаги вазифаси ўрганилган (Колумбия университети, АҚШ); бадиий матн услубий жиҳатдан таҳлил қилинган (Озод Ислом университети, Эрон); бадиий асар тили когнитив аспектда ўрганилган (Галати университети, Руминия). Бадиий адабиёт тилининг ўзига хос хусусиятлари очиқ берилган, бадиий адабиёт тилида ҳарбий сўзларнинг семантик-стилистик ва лингвомаданий хусусиятлари таҳлил қилинган (Россия фанлар академияси Тилшунослик институти), бадиий нутқнинг эмоционал-экспрессив лексикаси, насрий ва шеърӣ нутқда грамматик воситалар, поэмаларда мослашувли сўз бирикмалари лингвопоэтикаси ўрганилган (Москва давлат университети); бадиий насрда сўзлашув нутқи воситаларининг услубий хусусиятлари таҳлил қилинган (Кубан давлат университети); бадиий адабиёт тили лингвистик жиҳатдан таҳлил қилинган (Бурятия давлат университети); ҳарбий лексика семантик-стилистик ва лингвомаданий аспектда ўрганилган, денгиз атамаларининг бадиий асарларда акс этиши таҳлил қилинган (Волгоград давлат ижтимоий педагогика университети); бадиий матнлар мисолида тил воситаларининг таҳлил қилинганлигини жаҳоннинг барча илмий муассасаларида кузатиш мумкин.

Жаҳон тилшунослигида бадиий асар тили хусусиятларини ўрганишда қуйидаги устувор йўналишлар бўйича тадқиқотлар олиб борилмоқда: бадиий асар тилини луғавий-услубий, лингвомаданий ва лингвопоэтик жиҳатдан ўрганиш; бадиий нутқнинг эмоционал-экспрессив лексикасини тадқиқ қилиш; муайян халқнинг бадиий адабиёти тилини таҳлил қилиш; бадиий асарларда учрайдиган турли нутқ услубларига хос сўзларнинг матний хусусиятларини ўрганиш; тасвирий воситаларнинг бадиий нутқнинг бадиий-образлилигини таъминлаш даражасини белгилаш; бадиий матнларни лингвопоэтик таҳлил қилиш орқали ижодкор маҳоратини очиқ бериш.

**Муаммонинг ўрганилганлик даражаси.** Рус тилшунослигида бадиий нутқ масалаларини ўрганишга бағишланган кўплаб йирик ишлар мавжуд. Бу соҳадаги тадқиқотлар орасида В.В.Виноградов<sup>3</sup>, А.И.Ефимов<sup>4</sup>, Г.О.Винокур<sup>5</sup>, А.А.Потебня<sup>6</sup>, Я.Мукаржовский<sup>7</sup> каби тадқиқотчиларнинг бир қатор ишлари

<sup>3</sup> Виноградов В.В. О языке художественной литературы. – М. – Л: Гослитиздат, 1959; О теории художественной речи. – М.: Наука, 1971; Стилистика. Теория поэтической речи. Поэтика. – М.: АН, 1963.

<sup>4</sup> Ефимов А.И. О языке художественных произведений. – М.: Учпедгиз, 1962; Стилистика художественной речи. – М.: Просвещение, 1961.

<sup>5</sup> Винокур Г.О. О языке художественной литературы. – М., 1991.

<sup>6</sup> Потебня А.А. Эстетика и поэтика. – М.: Наука, 1976.

<sup>7</sup> Мукаржовский Я. Литературный язык и поэтический язык. – СМЛК, 1967.

алоҳида ажралиб туради. Бу тадқиқотларда бадиий нутқни таҳлил қилишнинг назарий масалалари атрофлича баён қилинади. Гарчанд, бадиий нутқ масалаларининг асоси ушбу олимлар томонидан яратилган бўлса-да, масалани кенг кўламда ёритиш, бу соҳадаги тадқиқот ишларини равожлантиришда кейинги йилларда майдонга келган тадқиқотларнинг аҳамияти катта. И.С.Ильинская, В.П.Григорьев, А.Д.Григорьева, Н.И.Иванова, Е.А.Некрасова, М.А.Бакина, А.Н.Васильева, Х.У.Юсупхаджиева, Д.Д.Санжина, И.Н.Чиплыгина, Д.Д.Ахметова, Е.Н.Гривенная, Т.Б.Радбиль, А.И.Фомин<sup>8</sup> каби бадиий нутқ тадқиқотчиларининг ишларида бу ҳолат яққол кўринади.

Ўзбек тилшунослигида бадиий нутқ лингвистик жиҳатдан Ш.Шоабдурахмонов, И.Қўчқортоев, Қ.Самадов, Э.Қиличев, Б.Бафоев, С.Каримов, Б.Йўлдошев, Л.Абдуллаева, Н.Маҳмудов, И.Мирзаев, М.Йўлдошев, З.Холмонова, Д.Худойберганова, Б.Абдушукуров, Б.Чориев, Б.Яриев, Р.Нормуродов, С.Бобоева, Г.Мухаммаджонова, С.Нормаматов, Ш.Тошхўжаева ва бошқа тадқиқотчилар томонидан таҳлил қилинган. Ўзбек бадиий нутқи масалаларини ўрганишда диссертация характеридаги тадқиқотларнинг муҳим ўрни бор. Ушбу мавзуга бағишланган докторлик<sup>9</sup> ва номзодлик<sup>10</sup> диссертациялари сони анчагина. Ушбу мавжуд тадқиқотлар

---

<sup>8</sup> Ильинская И.С. Лексика стихотворной речи Пушкина. – М.: Наука, 1976; Григорьев В.П. Поэтика слова. – М.: Наука, 1979; Григорьева А.Д. Слова в поэзии Тютчева. – М.: Наука, 1980; Языковые процессы современной русской художественной литературы (Проза и поэзия). – М.: Наука, 1977; Некрасова Е.А., Бакина М.А. Языковые процессы в современной русской поэзии. – М.: Наука, 1982; Васильева А.Н. Художественная речь. – М.: Русский язык, 1983; Юсупхаджиева Х.У. Особенности языка чеченской художественной литературы: Дисс. док. филол. наук. – М., 2000; Санжина Д.Д. Лингвостилистическое исследование языка бурятской художественной литературы: Дисс. док. филол. наук. Улан-Уде, 2001; Чиплыгина И.Н. Языковые средства экспрессивности в художественной прозе В.Набокова: Дисс. док. филол. наук. – М.: Ростов-на Дону, 2002; Ахметова Д.Д. Языковая композиция художественного текста (на материале русской прозы 80-90-х годов XXв.): Дисс. док. филол. наук. – М., 2003; Гривенная Е.Н. Стилизация разговорной речи в художественной прозе (на материале произведений А.Ремезова): Дисс. канд. филол. наук. – Краснодар, 2005; Радбиль Т.Б. Языковые аномалии в художественном тексте: Дисс. док. филол. наук. – М., 2006; Фомин А.И. Язык и стиль лирики философской прозы В.В. Розанова: Дисс. док. филол. наук. – Санкт-Петербург, 2011.

<sup>9</sup> Рустамов А. Некоторые фонетические и морфологические особенности языка произведений Алишера Навои: Автореф. дисс. док. филол. наук. – Ташкент, 1966; Абдуллаева Л. Стилистическая дифференциация лексики узбекской художественной литературы: Автореф. дисс... док. филол. наук. – Ташкент, 1980; Турдалиев Б. Хамза и узбекский литературный язык начала XX века: Автореф. дисс... док. филол. наук. – Ташкент, 1988; Бафоев Б. Лексика произведений Алишера Навои (лексико-семантические, статистические и тематические исследования): Автореф. дисс... док. филол. наук. – Ташкент, 1989; Аширбоев С. Структурно-семантические особенности простого предложения в прозаических произведениях Алишера Навои: Автореф. дисс... док. филол. наук. – Ташкент, 1990; Мирзаев И. Проблемы лингвопоэтической интерпретации стихотворного текста: Автореф. дисс... док. филол. наук. – Ташкент, 1991; Каримов С. Ўзбек тилининг бадиий услуби: Филол. фан. док. дисс... автореф. – Тошкент, 1993; Ибрагимов А. Бобур асарлари лексикасининг лингвостатистик, семантик ва генетик тадқиқи: Филол. фан. док. дисс... автореф. – Тошкент, 2008; Холмонова З. «Бобурнома» лексикаси тадқиқи: Филол. фан. док. дисс... автореф. – Тошкент, 2009; Йўлдошев М. Бадиий матн лингвопоэтикаси: Филол. фан. док. дисс... автореф. – Тошкент, 2008; Абдушукуров Б. «Қиссаси Рабғузий» лексикаси: Филол. фан. док. дисс... автореф. – Тошкент, 2017.

<sup>10</sup> Шоабдурахмонов Ш. О художественных особенностях поэмы «Равшан»: Автореф. дисс... канд. филол. наук. – Тошкент, 1949; Ахмедов А. Лексика поэзии Фурката: Автореф. дисс... канд. филол. наук. – Ташкент, 1960; Самадов Қ. Некоторые вопросы языкового мастерства Айбека: Автореф. дисс... канд. филол. наук. – Тошкент, 1967; Мирализова Р. Язык и стиль произведений Ш.Рашидова: Автореф. дисс... канд. филол. наук. – Самарканд, 1968; Киличев Э. Архаизмы и историзмы в прозе Садриддина Айни: Автореф. дисс... канд. филол. наук. – Ташкент, 1969; Маматов Х. Лексико-стилистические особенности художественной прозы Алишера Навои: Автореф. дисс... канд. филол. наук. – Ташкент, 1969; Чарыев Б. Некоторые вопросы лексики поэзии Гафура Гуляма: Автореф. дисс... канд. филол. наук. – Ташкент, 1972; Каримов А. Лексико-семантические и



бадий нутқ масалаларини лингвистик нуқтаи назаридан ўрганиш ўзбек тилшунослигидаги муҳим масалалардан бирига айланаётганлигидан далолат беради.

**Тадқиқотнинг диссертация бажарилган олий таълим муассасаси илмий-тадқиқот ишлари режалари билан боғлиқлиги.**

Диссертация Термиз давлат университети илмий-тадқиқот ишлари режасига мувофиқ «Ўзбек нутқшунослиги: бадий нутқ таҳлили, антропоцентрик назария, этнолингвистика, корпус тилшунослиги» мавзуси доирасида бажарилган.

**Тадқиқотнинг мақсади ўзбек бадий нутқининг лингво-услубий хусусиятларини бадий наср материаллари асосида ўрганишдан иборат.**

**Тадқиқотнинг вазифалари:**

бадий матн ва адабий тилнинг ўзаро муносабати ҳамда фарқли томонларини ўрганиш;

бадий насрнинг ўзбек нутқи маданиятини ривожлантиришдаги ўрнини белгилаш, адабий тил меъёрларига таъсири масалаларини ёритиш;

бадий насрда қўлланиладиган луғавий воситаларни услубий жиҳатдан гуруҳлаш, уларнинг нутқий образлилик ва тасвирийликни вужудга келтиришдаги ўзига хосликларни тадқиқ қилиш;

бадий наср учун табақаланган луғавий воситаларни аниқлаш, уларнинг диахроник ва синхроник асосда қўлланишини кузатиш, нутқ жараёнидаги вазифаларини ўрганиш;

бадий насрда луғавий вариантлилик масалаларини тадқиқ қилиш;

синонимларнинг бадий насрдаги услубий вазифасини таҳлил қилиш;

---

стилистические особенности языка поэмы «Фархад и Ширин» Алишера Навои: Автореф. дисс... канд. филол. наук. – Ташкент, 1973; Туйчиев М. Язык и стиль романа Шухрата «Золото не ржавеет»: Автореф. дисс... канд. филол. наук. – Ташкент, 1973; Юлдашев Б. Язык и стиль произведений Саида Ахмада: Автореф. дисс... канд. филол. наук. – Ташкент, 1979; Яриев Б. Язык поэзии Максуда Шейхзаде: Автореф. дисс... канд. филол. наук. – Ташкент, 1979; Абдиев Э. Язык и стиль драм Камила Яшена: Автореф. дисс... канд. филол. наук. – Ташкент, 1981; Хамидов З. Лексико-семантическое и лингвопоэтическое исследование языка «Лисан ат-тайр» Алишера Навои: Автореф. дисс... канд. филол. наук. – Ташкент, 1982; Каримов С. Язык и стиль произведений Зульфии: Автореф. дисс... канд. филол. наук. – Ташкент, 1982; Усманов Х. Лингвостилистические особенности языка Лютфи: Автореф. дисс... канд. филол. наук. – Ташкент, 1986; Бабаева С. Лексико-стилистические особенности поэзии Хамида Алимджана: Автореф. дисс... канд. филол. наук. – Ташкент, 1989; Казаков Ш. Семантико-стилистические особенности эмоционально-оценочной лексики драм Хамзы: Автореф. дисс... канд. филол. наук. – Ташкент, 1990; Турсунов С. Лексические особенности дастана «Алпамыш»: Автореф. дисс... канд. филол. наук. – Тошкент, 1990; Жумаев Т. Умар Боқий асарларининг лисоний хусусиятлари: Филол. фан. номз... дисс. автореф. – Тошкент, 1997; Холманова З.Т. «Шайбонийхон» достони лексикаси: Филол. фан. номз... дисс. автореф. – Тошкент, 1998; Нормуродов Р. Шукур Холмирзаев асарларининг тил хусусиятлари: Филол. фан. номз... дисс. автореф. – Тошкент, 2000; Сайидов Ё. Фитрат бадий асарлари лексикаси: Филол. фан. номз... дисс. автореф. – Тошкент, 2001; Бабаджанов Ф. Ўзбек жаҳид драмаларининг лисоний хусусиятлари (Беҳбудий ва Авлоний драмалари асосида): Филол. фан. номз... дисс. автореф. – Самарқанд, 2002; Боймирзаева С. Ойбек прозасининг лингвостилистик тадқиқи: Филол. фан. номз... дисс. автореф. – Самарқанд, 2004; Джалалова Л. Абдулла Қодирийнинг «Ўткан кунлар» романининг лингвистик тадқиқи: Филол. фан. номз... дисс. автореф. – Тошкент, 2007; Хасанов А. Абдулла Қаҳҳор хикоялари тилининг бадииятини таъминловчи лексик-стилистик воситалар: Филол. фан. номз... дисс. автореф. – Тошкент, 2010; Нормаматов С. Абдулла Авлоний шеърининг лексикасининг маъновий-услубий хусусиятлари: Филол. фан. номз... дисс. автореф. – Тошкент, 2011; Муҳаммаджонова Г. 80-йиллар охири ва 90-йиллар бошлари ўзбек шеърининг лингвопоэтик тадқиқи: Филол. фан. номз... дисс. автореф. – Тошкент, 2004; Тошхўжаева Ш. Эркин Аъзам асарлари лингвопоэтикаси: Филол. фан. бўйича фалсафа док. (PhD) автореф. – Тошкент, 2017 ва бошқалар.

метафора, ўхшатиш, сифатлаш каби тасвирий воситаларнинг бадиий насрдаги услубий ўрнини белгилаш, уларни ҳосил қилувчи лисоний воситаларнинг бадиий вазифасини ўрганиш.

**Тадқиқотнинг объекти** сифатида умумхалқ тилида қўлланиладиган барча луғавий воситаларни ўзида мужассамлаштириш имконияти мавжуд бўлган матн – бадиий наср танланган.

**Тадқиқотнинг предмети** ўзбек бадиий насрининг лингво-услубий шаклланиш жиҳатларига оид хусусиятлар ҳамда тил воситаларининг бадиий насрининг эстетик таъсирчанлигини таъминлашдаги, бадиий образ яратишдаги имкониятлари ташкил қилади.

**Тадқиқотнинг усуллари.** Тадқиқот мавзусини ёритишда тавсифлаш, таснифлаш, қиёслаш, статистик таҳлил, стилистик ва лингвопоэтик таҳлил усулларидан фойдаланилди.

**Тадқиқотнинг илмий янгилиги** қуйидагилардан иборат:

ўзбек бадиий насри ўзбек халқи ҳаётини, миллий маданиятини, тафаккур тарихини ўзида мужассам этган манба эканлиги тил воситаларининг таҳлили асосида далилланган;

бадиий наср ва шеърий асарларнинг моҳият жиҳатдан умумий хусусиятлари мавжудлиги, луғавий воситаларнинг қўлланилиши, нутқий қурилиши, нутқ қисмларининг бир-бирига нисбатан мосликда тузилиши, вазн ва қофия талабларига кўра фарқланиши таққосланган ҳолда асосланган;

бадиий наср учун муҳим луғавий-норматив қатлам ҳисобланган бадиий сўзлар алоҳида ажратилиб, бу луғавий қатламнинг бадиий нутқдаги вазифалари бадиий наср хусусиятларидан келиб чиққан ҳолда очиб берилган;

ўзбек бадиий насри луғавий қамровининг кенглиги умумистеъмол сўзлари, бадиий сўзлар, оғзаки нутқ воситалари, синонимлар ва сўз вариантларининг бадиий насрда қўлланилиши асосида очиб берилган;

бадиий насрда тасвирий воситаларнинг кенг қўлланишининг тарихий асослари ўрганилди, муҳим тасвирий воситалар – метафора, сифатлаш ва ўхшатишларнинг бадиий нутқдаги услубий вазифалари белгиланган;

бадиий насрнинг ўзига хос тасвирийликка, образли-таъсирчанликка асосланган алоҳида нутқий кўриниш эканлиги, унинг умумхалқ тили негизида ривожланиб ва бойиб бориши асосланган.

**Тадқиқотнинг амалий натижалари** қуйидагилардан иборат:

тадқиқотдан келиб чиқадиган хулоса ва натижалар ҳамда ишда фойдаланилган лисоний материаллар таҳлили тилшунослик фанини янги илмий назарий тушунчалар билан бойитиши, бадиий асар тилини таҳлил қилишдаги илмий қарашларни ривожлантиришига хизмат қилиши асосланган.

бадиий насрнинг адабий тил ва адабий меъёрга муносабати, бадиий наср ва адабий тил тамойили асосида ўрганилиши ўзбек тилшунослиги учун муҳим маълумотлар бериши далилланган.

тадқиқотнинг илмий асослари ва назарий хулосаларидан стилистика, нутқ маданияти, бадиий матннинг лингвистик таҳлили, лексикология соҳалари бўйича ўқув қўлланмалар яратиш учун ҳам фойдаланиш мумкин,

шунингдек, бадий насрнинг луғавий воситаларини функционал чегараланиши, луғавий-маъновий гуруҳларга ажратилиши, бошқа нутқ турларининг ўзига хос хусусиятларини ўрганувчи тадқиқотчилар учун ҳам илмий асос вазифасини ўташи аниқланган.

**Тадқиқот натижаларининг ишончилиги** бадий насрнинг лингво-услубий ўзига хослигини белгилашда, назарий маълумотларни баён этишда аниқ илмий манбаларга таянилганлиги, тўпланган фактик материаллар мукамал методлар асосида тасниф қилиниб, ишончли назарий манбалар ва тилшуносликнинг замонавий илмий ютуқларидан фойдаланилган ҳолда таҳлил ва талқин қилинганлиги билан белгиланади.

**Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти.** Тадқиқот натижаларидан тилшуносликнинг муҳим ва долзарб масалалари: нутқшунослик, антропоцентрик назария муаммоларини ўрганишда, бадий насрнинг лингво-услубий таҳлилида фойдаланилади, шунингдек, тадқиқотда қўлланилган таҳлил усуллари ёзувчининг тилдан фойдаланиш маҳоратини белгилашда, ҳар бир ижодкорнинг индивидуал услубига хос сўз қўллашини таҳлил қилишда муҳим манба вазифасини бажаради.

Тадқиқотнинг амалий аҳамияти шундаки, матннинг лингвистик таҳлили, матн лингвистикаси фанлари учун ўқув қўлланмалар, дарсликлар яратиш, шунингдек, ҳозирги ўзбек адабий тили, лексикология, нутқ маданияти, бадий матннинг лингвистик таҳлили фанларининг ўқитилишида, адабий тил ва адабий норма масалаларини талқин қилишда ушбу тадқиқот натижаларидан фойдаланиш мумкин.

**Тадқиқот натижаларининг жорийланиши.** Ўзбек бадий насрнинг лингво-услубий шаклланиши тадқиқи натижалари асосида:

ўзбек бадий насрнинг лингво-услубий жиҳатдан ўрганиш, луғавий воситаларнинг бадий нутқни шакллантиришда, бадий нутқнинг адабий тил тизимидаги нутқ кўринишлари билан узвий боғлиқлигини тадқиқ этиш бўйича олинган илмий натижаларидан Ўзбекистон Республикаси Фанлар академияси Ўзбек тили, адабиёти ва фольклори институтида бажарилган ФА-Ф1-Г041 рақамли «Ўзбек тили лексикаси ва терминологиясининг мустақиллик даври таракқиётини тадқиқ этиш» (2012-2016) номли фундаментал лойиҳада фойдаланилган. (Ўзбекистон Республикаси Фанлар академиясининг 2020 йил 7 октябрдаги №3/1225-2150-сон маълумотномаси). Натижада луғавий воситалар ва айрим терминларнинг таҳлилидан фойдаланиш асосида лойиҳа бўйича бажарилган тадқиқотнинг мукамал бўлишига эришилган;

бадий образ яратишда тил воситаларининг ўрни, бадий нутқда сўзнинг вазифаси ва поэтик имкониятлари ҳақидаги хулосалар Ўзбекистон Республикаси Фанлар академияси Ўзбек тили, адабиёти ва фольклори институтида бажарилган ФА-Ф1-Г040 «Ўзбек адабиёти қиёсий адабиётшунослик аспектида: типология ва таъсир» (2012-2016) номли фундаментал лойиҳада фойдаланилган. (Ўзбекистон Республикаси Фанлар академиясининг 2020 йил 7 октябрдаги №3/1225-2150-сон маълумотномаси). Натижада лойиҳада ўзбек насрини бошқа халқлар адабиёти билан қиёслаб

ўрганиш, хусусан, адабиётнинг адабий таъсир каби муҳим муаммоларини ёритишда аниқ баҳолаш имкони янада ошган;

бадий насрнинг умумхалқ тилида мавжуд воситаларни қамраб олиши, сўз ясалиши учун ҳам муҳим манба эканлиги, бадий нутқдаги янги ясалмалар фаоллашиб, адабий тилга ўтиши ҳақидаги мулоҳазалардан ФА-Ф1-Г003 рақамли «Ҳозирги Қорақалпоқ тилида функционал сўз ясалиши» (2012-2016) номли фундаментал тадқиқот лойиҳада фойдаланилган. (Ўзбекистон Республикаси Фанлар Академияси Қорақалпоғистон бўлимининг 2020 йил 30 сентябрдаги №17.01/100-сон маълумотномаси). Натижада лойиҳада ясама сўзларнинг тил тизимидаги ўрни масалалари тавсифи мукамаллашган;

бадий матнни лингвистик таҳлил қилиш, ёзувчининг тилдан фойдаланиш маҳоратини белгилаш ҳақидаги хулосалардан Озарбайжон Миллий Билимлар академияси Низомий Ганжавий номидаги Адабиёт институтининг «Озарбайжон-Туркменистон-Ўзбекистон адабий алоқалари» бўлимида илмий тадқиқот олиб бораётган магистр ва илмий тадқиқотчилар фойдаланмоқда (Озарбайжон Миллий Билимлар академияси Низомий Ганжавий номидаги Адабиёт институтининг 2020 йил 25 июндаги 1/4-сон маълумотномаси). Натижада бадий матнни, ёзувчининг тилдан фойдаланиш маҳоратини таҳлил қилиш ҳақидаги билимларнинг оширилишига эришилмоқда.

Сурхондарё вилоят телерадиокомпаниясининг кўрсатувлари ва эшиттиришлари сценарийларини тайёрлашда, хусусан, «Тил миллат кўзгуси», «Муносабат» кўрсатувларида тадқиқот натижаларидан фойдаланиб келинмоқда. (Ўзбекистон Миллий телерадиокомпанияси Сурхондарё вилоят телерадиокомпаниясининг 2020 йил 10 январдаги 01-15/36 рақамли маълумотномаси). Натижада адабий-бадий, маънавий-маърифий дастурларда ўзбек тилининг нуфузи, ривожланиш жараёнлари, бадий асарларни ўқиш орқали тил бойлигига эришиш масалаларини атрофлича ёритиш имконияти яратилган.

**Тадқиқот натижаларининг апробацияси.** Тадқиқот иши натижалари 13 та илмий-амалий анжуман, жумладан, республика миқёсида 10 та ва 3 та халқаро илмий-амалий конференцияларда маъруза сифатида баён этилган ва апробациядан ўтказилган.

**Тадқиқот натижаларининг эълон қилинганлиги.** Диссертация мавзуси бўйича 39 та илмий иш, жумладан, 1 та монография ва 38 та мақола нашр этилган. Ўзбекистон Республикаси Олий аттестация комиссияси томонидан докторлик (DSc) диссертациялари асосий натижаларини чоп этиш учун тавсия этилган илмий нашрларда 16 та мақола, жумладан, 13 та республика ва 3 та хорижий журналларда нашр этилган.

**Диссертациянинг тузилиши ва ҳажми.** Диссертация кириш, тўрт боб, умумий хулоса, фойдаланилган адабиётлар рўйхатидан иборат. Диссертациянинг умумий ҳажми 271 саҳифани ташкил қилади.

## ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ

**Кириш** қисмида танланган мавзунинг долзарблиги ва зарурати асосланган, тадқиқотнинг мақсади ва вазифалари, объект ва предмети тавсифланган, республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига мослиги кўрсатилган, тадқиқотнинг илмий янгилиги, амалий натижалари баён қилинган, олинган натижаларнинг илмий ва амалий аҳамияти очиб берилган, тадқиқот натижаларини амалиётга жорий қилиш, нашр қилинган ишлар, диссертация тузилиши бўйича маълумотлар келтирилган.

Диссертациянинг «**Ўзбек бадиий насрининг шаклланиш жараёнлари**» деб номланувчи биринчи бобда бадиий нутқнинг лингвистик тадқиқотлар манбаи эканлиги, бадиий нутқ ва унинг шакллари, бадиий насрнинг муҳим хусусиятлари, бадиий наср ва адабий тил, бадиий наср ва адабий меъёр, бадиий насрда нутқ маданияти каби масалалар таҳлил қилинди.

Бобнинг биринчи бўлими «**Бадиий нутқ – лингвистик тадқиқотлар манбаи**» деб номланиб, унда ўзбек тилшунослигида бадиий нутқ масалаларининг ўрганилишига оид тадқиқотлар таҳлил қилинган.

Бадиий нутқни ўрганиш ва таҳлил қилиш бадиий асарнинг бутун ички ва ташқи боғланишини, ёзувчининг дунёқараши, ундаги адабий ва ноадабий воситаларнинг қўлланиши доирасини тўла-тўқис ҳис этишни талаб қилади. Бадиий нутқ бадиий образли, таъсирчан, эмоционал-экспрессив нутқдир. Бадиий нутқнинг образлилиги унинг муҳим мезони бўлган эстетик таъсир этиш вазифасини бажариши учун хизмат қилади, унинг асосий ўлчов ва белгисини ташкил этади. Бадиий адабиётнинг бу муҳим хусусиятини А.И.Ефимов шундай изоҳлаган: «Бадиий адабиёт тили адабий тил тизимидаги бошқа услубий кўринишлардан нафақат нутқ воситаларининг таркиби билан балки бадиий-эстетик сифати билан ҳам ажралиб туради»<sup>11</sup>. Шу билан бирга бадиий матн ўзига хос мураккаб матн бўлиб, унинг доирасида адабий тил, сўзлашув тили, расмий, илмий, публицистик ва ниҳоят, бадиий нутқнинг турли кўринишлари мавжуд. Нутқ кўриниши сифатида муаллиф нутқи, персонажлар нутқи, монологик ва диалогик нутқ асосида қуриладиган, умумхалқ тилида пассив ёки фаол бўлган луғавий бирликларнинг чекланмаган миқдорда қамраб олиши бадиий нутқнинг ўзига хос етакчи хусусиятидир.

Бадиий нутқнинг яна ўзига хос хусусиятларидан бири унинг адабий нутқдан фарқланувчи нутқ қурилишига эга эканлигидадир. В.Виноградов бадиий нутқ масалаларига оид тадқиқотларида бир неча бор бадиий асар қурилишини (композициясини) ўрганиш масаласини ўртага қўйган. Бунда нутқ қурилиши сўз қўллаш учун асос бўлиши назарда тутилган<sup>12</sup>.

Бадиий нутқнинг муҳим белгиси, унинг бир томондан адабий тил доирасига кирувчи, иккинчи томондан бу тил тизимида кирмайдиган нутқ кўринишларига хос луғавий бирликларни ўзида бирлаштиришидир. Умуман,

<sup>11</sup> Ефимов А.И. Стилистика художественной речи. – С. 60

<sup>12</sup> Виноградов В.В. Теория поэтической речи. Поэтика. – С. 75.

бадий нутқ тушунчаси ҳақида гап кетганда образли, таъсирчан, луғавий ва услубий воситаларга бой нутқ тушунилади. Зеро, бадий нутқда сўз фақат фикр ифодаловчи воситагина эмас, нутқда қўлланувчи бошқа ёндош сўзларга бевосита таъсир этувчи восита ҳамдир. Бинобарин, бадий нутқда сўз ифодалайдиган маъно бошқа сўзлар билан боғлиқ равишда матн орқали маълум бўлади. Бадий нутқ эса бу жараёнда сўзнинг турли қирраларини очиб берувчи асосий манба бўлиб қолади.

Бадий нутқ ифодали воситаларга бениҳоя бойдир. Бадий нутқнинг лингвистик жиҳатдан ранг-баранглиги, гўзаллиги, моҳиятан таъсирчанлиги кўп жиҳатдан бирор тушунчани турли лисоний воситалар орқали ифодалаш имкониятининг хилма-хиллиги туфайли вужудга келади. Негаки, бадиият сўз санъатининг муҳим кўриниши ҳисобланади. Шу боисдан мазкур тадқиқотда ўзбек бадий нутқининг ранг-баранг тил воситаларига эга эканлигини таҳлил қилишда ва ижодкорнинг сўз қўллашдаги маҳорати масалаларини бадий наср материаллари асосида очишга ҳаракат қилинди.

Бобнинг «**Бадий насрнинг муҳим хусусиятлари**» деб номланган иккинчи қисмида бадий матннинг муҳим тури бўлган бадий насрнинг моҳиятан таъсирчанлиги, ифода усулининг ўзига хослиги, кўп маънолилиқ, сўзларни кўчма маъноларда қўллаш, бир тушунчани турли лингвистик воситалар орқали ифодалаш асосида вужудга келиши таҳлил қилинган.

Бадий наср нутқнинг барча шакллари учун хос луғавий бирликларни кенг миқёсда қамраб олувчи нутқ бўлса-да, унинг моҳиятини тил воситаларига бойлиги, унда турли нутқ услубига хос луғавий бирликларнинг мавжудлиги эмас, баён услубининг ранг-баранглиги фикрни турли шаклларда, ҳар хил воситалар орқали ифодаланиши белгилайди. Масалан, *Сокин тун. Осмон тўла юлдуз, лекин ёруғи йўқ. Йўл бўйидаги дарахтлар ҳўрнайган товўққа ўхшаб кўринади, қоп-қора, саф ярим соатча юргандан кейин ўрмонга кириб кетди. Ўрмон ичи боягидан ҳам жимжит, фақат баланддан дарахт бошларини тебратиб ўтган шамолнинг пихиллашга ўхшаб бўғиқ товуши бир текисда келади.* (Шухрат. «Олтин занғламас») Тасвирнинг сербўёқлиги билан характерланувчи бу матн санъаткорона сўз қўллаш намунасидир. Матнда битта тушунча – «тун»ни ифодалашда, тўртта ифода шаклидан фойдаланилган. *Сокин тун, осмон тўла юлдуз, дарахтлар – ҳўрнайган товўқ, қоп-қора.* Бу хилдаги бир тушунчани ҳар хил шаклларда ифодалаш фақат бадий наср учун хос.

Матндаги *сокин тун* ибораси орқали туннинг ҳолати ифодаланиши, дарахтларнинг тундаги кўринишини *ҳўрнайган товўққа* қиёсланиши, тунга монанд қоп-қоралиқ тасвири бадий ифода асосида намоён бўлган. Бадий бўёқ туфайлигина *шамол дарахт бошини тебратади, шамол пиххиллайди, қуёш одамларга қулўб қарайди, сувлар хониши қилади, ой ариқдан ҳатлаб ўтади, чечаклар жилмаяди, япроқлар қарсак чалади, гуллар сўйлайди, дарахтлар юм-юм кўз ёш тўқади.* Ана шундай адабий тил учун ноодатий

ифодалар бадиий насрнинг моҳиятини белгилайди ва уни нутқнинг бошқа кўринишларидан фарқланишига олиб келади.

Бобнинг «**Бадиий наср ва адабий тил**» бўлимида бадиий насрнинг адабий тил билан боғлиқлиги, бироқ улар тизимидаги воситалар ўртасида ўзига хос умумийликлар ва муайян фарқланишлар мавжудлиги ҳақида фикр юритилади.

Бадиий наср аввало, адабий тилнинг ранг-баранг имкониятлари мавжудлигини, тилнинг таъсирчан ва образли воситаларга бойлигини кўрсатувчи манбадир. Адабий тилнинг ҳам, бадиий насрнинг ҳам умумхалқ тили негизида вужудга келиши улар ўртасидаги умумийликни белгиловчи асосий мезондир. А.И.Ефимов адабий тил ривожланишининг барча босқичларида бадиий нуктнинг муҳим ўрни борлигини қайд этар экан, бунинг асосий боиси бадиий нутқнинг ўзига хослиги ва бадиий адабиётнинг халқ оммаси орасида кенг тарқалганлигида, деб ҳисоблайди<sup>13</sup>.

Бадиий адабиёт орқали умумхалқ тили ўзининг сайқалланган, ишланган кўринишини намоён қилади. Ўз навбатида адабий тил ҳам умумхалқ тилининг ишланган, сайқал топган кўринишидир. Чунончи, бадиий адабиёт адабий тилнинг луғавий имкониятларини бойитиб боровчи манбалардан бири бўлса, адабий тил бадиий адабиёт учун норматив воситаларни тавсия қилиб боради. Шу жиҳатдан бадиий адабиёт адабий тил учун ўзига хос лисоний лаборатория вазифасини бажаради. В.П.Григорьев бадиий адабиёт тили ва адабий тил сўз санъаткорлари томонидан ишланганлиги жиҳатидан ҳам ўзаро мос келишини қайд этади ва бадиий адабиётнинг бадиийликка асосланиши туфайли улар бир-биридан ўзаро фарқланишини таъкидлайди<sup>14</sup>.

Бадиий насрнинг қўлланиш доираси кенг эмас. Моҳиятан бадиий наср ҳам кенг оммага мўлжалланган бўлса-да, ундан фойдаланиш ихтиёрийдир. Адабий тил ва умумхалқ тилидан фойдаланиш ҳаёт тақозоси бўлгани учун кенг жабҳали. Бадиий наср адабий тил сингари бир қолипга туширилмаган, адабий нормага тўлиғича бўйсунмайдиган нутқдир. Адабий тил ёзма ва оғзаки нутқ орқали намоён бўлиши билан ҳам бадиий насрдан фарқланади. Ўз навбатида бадиий наср доирасида ҳам нутқнинг муаллиф нутқи ва персонаж нутқи каби шакллари мавжуд. Муаллиф нутқи доирасида адабий тил етакчилик қилса, персонажлар нутқида бунинг аксидир.

Адабий тил ва бадиий насрни ўзаро фарқлайдиган муҳим ҳолатлардан яна бири уларда лексик воситаларнинг қўлланишида кўринади. Адабий тил адабий норма талаблари асосида маълум миқдорда бадиий насрга нисбатан чегараланган лексик бирликларга эга.

Бобнинг «**Бадиий наср ва адабий меъёр**» бўлимида бадиий насрнинг адабий тил меъёрларига дахлдорлиги, шу билан биргаликда ўзига хос нутқий меъёрлари мавжудлиги хусусида фикр юритилади. Бадиий насрнинг муҳим хусусиятларидан бири шундаки, унда сўз турли шаклларда, хилма-хил маъноларда қўлланилади, бу эса мазкур нутқ шаклининг муайян нутқий

---

<sup>13</sup> Ефимов А.И. Стилистика художественной речи. – С. 59.

<sup>14</sup> Григорьев В.П. Поэтика слова. – С. 8.

меъёрлари мавжудлигидан далолат беради. В.П.Григорьев поэзия тили (бадий адабиёт тили) учун хос норма – бу тилга ижодкорларча муносабатда бўлиш эканлигини қайд этган эди<sup>15</sup>. Дарҳақиқат, бадий насрнинг меъёрий воситалари адабий тил меъёрларига мослиги билан эмас, балки сўз қўллашдаги маҳорат билан белгиланади. Бадий асарда турли нутқ услубларига хос луғавий воситаларни қўллаш, сўзларнинг турли маъно хусусиятларидан фойдаланиш нутқнинг бу турида меъёрий имкониятлар кенглигидан далолат беради. Бироқ бадий наср ҳам у ёки бу даражада адабий меъёрларга таянади, яъни унинг тасвирийлик доираси қай даражада кенг бўлмасин, нарса, предмет, ҳодиса адабий тил қонуниятлари асосида акс эттирилганда, бадий тасвирда меъёр бузилмаслигига эришилади. Айтайлик, гулни гул тарзида тасвирлаш меъёр, гулни дарахт сифатида тасвирлаш эса бадий матн учун ҳам меъёр ҳисобланмайди.

Адабий тил ва бадий нутқ меъёрлари масалалари тилшуносликда кам ўрганилган. Бу хусусдаги баъзи фикрларни Р.А.Будагов, Ш.Балли, В.П.Григорьевларнинг тадқиқотларида<sup>16</sup> учратиш мумкин. Адабий тил нормаси масалалари К.С.Горбачевичнинг тадқиқотларида<sup>17</sup> ўз ифодасини топган. Ўзбек тилшунослигида адабий тил меъёрлари масалалари Э.А.Бегматов<sup>18</sup> ва А.Маматов<sup>19</sup> томонидан ўрганилган.

Юқорида қайд этилганидек, адабий тил ва бадий нутқ меъёри тушунчалари муайян фарқланишга эга бўлса-да, улар орасида муштаракликлар ҳам мавжуд.

Бадий адабиёт кўп ҳолларда адабий тил меъёрларига бўйсунмаса-да, уч жиҳатдан адабий тил меъёрларига таянади: а) грамматик жиҳатдан; б) фикрий аниқлик ва изчиллик жиҳатидан; в) орфографик жиҳатдан. Чунки тилнинг грамматик қурилиши барча нутқ кўриниши учун асос, нутқий аниқлик ва изчиллик нутқнинг барча тури учун умумий ҳодиса, шунингдек, адабий тилнинг орфографик меъёрлари шу тилнинг барча ёзув кўриниши учун асосдир. Адабий меъёрнинг бошқа шакллари бадий нутқда четлаб ўтилиши адабий меъёр бадииятнинг асосий белгиси эмаслигини кўрсатади. Бироқ бадий адабиётнинг ҳам ўз меъёрлари мавжудки, у шу нутқ кўринишига хос бўлиб, адабий, диалектал, оддий сўзлашув нутқи билан чоғиштирилганда ўта мураккаб, айни пайтда оригинал ҳисобланади.

Бобнинг «**Бадий насрда нутқ маданияти**» деб номланган бўлимида бадий нутқ маданиятини белгиловчи муҳим омиллар хусусида фикр юритилади. Тилшуносликда бадий нутқ ва нутқ маданияти ҳамда уларнинг ўзаро муносабати масалалари ўз аксини топган махсус тадқиқотлар бўлмаса-да, Г.О.Винокур, В.В.Виноградов, А.И.Ефимов, К.С.Горбачевич,

<sup>15</sup> Григорьев В.П. Кўрсатилган асар. – Б. 62.

<sup>16</sup> Будагов Р.А. Литературные языки и языковые стили. – М., 1967; Балли Ш. Французская стилистика. – М., 1961; Григорьев В.П. Поэтика слова. – М., 1979.

<sup>17</sup> Горбачевич К.С. Изменение норм русского литературного языка. – Л.: Просвещение, 1971; Нормы современного русского литературного языка. – М.: Просвещение, 1978.

<sup>18</sup> Бегматов Э. Нутқ маданияти ва адабий норма. – Тошкент: Фан, 1973.

<sup>19</sup> Маматов А. Проблемы лексико-фразеологической нормы в современном узбекском литературном языке. Автореферат. дисс... док. филол. наук. – Тошкент, 1991.



Ш.Баллининг қайд этиб ўтилган асарларида шу хусусдаги баъзи мулоҳазаларни учратиш мумкин. Бу бадий адабиётда нутқ маданияти масалаларининг ҳанузгача назарий жиҳатдан асосланмаганлигидан далолат беради. Шунинг учун тадқиқотнинг мазкур қисмида бадий адабиётда тил маданияти тушунчасининг қай тарзда намоён бўлишини ўрганишда нутқ маданиятининг адабий тил учун асос бўладиган мезонларига таянилди. Нутқ маданиятининг муҳим белгиси нутқий аниқликдир. Антик даврдан бошлаб, жумладан, Аристотель томонидан нутқнинг безаги сифатида эътироф этилган нутқнинг аниқлиги тушунчаси барча нутқ кўринишлари, хусусан, бадий нутқ учун ҳам умумий мезондир<sup>20</sup>. Бироқ нутқий аниқликка нутқ турларининг функционал хусусиятларидан келиб чиққан ҳолда турлича ёндашилади. Яъни, адабий тилда диалект ва шевалар, касб-хунарга оид луғавий воситалар нутқда ноаниқлик киритувчи омиллар ҳисобланса, насрий матнларда, аксинча, нутқнинг, фикрнинг маълум даражада аниқлигини таъминловчи воситалар жумласига киради. Бадий насрда нутқ маданияти шу нутқнинг ўзига хос муҳим хусусиятларидан келиб чиққан ҳолда намоён бўлади. Шундай экан, бадий насрда нутқ маданиятининг муҳим қисмини нутқнинг ифодалилиги, таъсирчан-образлилиги ташкил қилади.

Бадий насрнинг таъсирчанлиги ва образлилигини таъминловчи кенг имкониятлар мавжуд. Бирор ҳолатни турли луғавий воситалар орқали ифодалаш мумкинлиги шундай имкониятлардандир. Масалан, туннинг кириб келиш тасвири бадий асарларда қуйидагича тасвирланганлиги кузатилади: *Қуёш секин думалаб уфққа яширинган, туннинг қоронғи чодир қоплайди ҳар ёқни.* (Ойбек. «Олтин водийдан шабадалар»), *...беқасам оқшом этагини ямлаб тун кириб келди.* (С.Аҳмад. «Уфқ»), *Тозлар, адирлар, узоқ-яқиндан дарахтлар қурум босгандай қоп-қора тус олди.* (А.Қахҳор. «Қўшчинор чироклари»), *Кузда тез бостириб келувчи қоронғулик қора қузғун янглиг даштни қора қанотлари остига олган эди.* (О.Ёқубов. «Оққушлар, оппоқ қушлар...») Келтирилган мисолларда тунни ифодалашда *қоронғи чодир, тун, қурум босгандай қоп-қора, қора қузғун, қора қанотлар* каби луғавий воситалар қўлланилган. Ёки куз тасвирида ҳам бир-биридан бутунлай фарқ қилувчи: *қирмизи поёндоз, қирмизранг ўрикзорлар, тилларанг бедазорлар* каби образли ифодалар қўлланилгани кузатиладики, бу ҳол бадий асарларда нутқ маданиятининг муҳим қисмини ифодалилик, образли-таъсирчанлик ташкил қилишини кўрсатади.

Ишнинг «**Бадий насрнинг луғавий воситалари**» деб номланган иккинчи бобида бадий матнларда луғавий воситаларнинг қўлланиши ўзбек бадий насри материаллари асосида бадий наср лексикаси ва унинг таснифи, умумистеъмол лексика, китобий лексика, оғзаки нутқ лексикаси каби бўлимларга ажратиб таҳлил қилинди.

«**Бадий наср лексикаси ва унинг таснифи**» деб номланган биринчи бўлимида бадий насрни бадий нутқнинг бошқа турларидан фарқловчи

---

<sup>20</sup> Античные теории языка и стиля. – М., 1936.

жихатлар изоҳланиб, луғавий имкониятининг кенглиги ҳақида фикр юритилади.

Бадиий наср лексик жихатдан бой ва турли туман бўлганлигидан уни ўрганишнинг турли усуллари мавжуд. В.В.Виноградов лексик қатламларни ўрганишда сўзларни турли услубий гуруҳларга ажратган ҳолда уларнинг услубий жихатдан вазифаларини ўрганишни тавсия этади<sup>21</sup>. Бу усул бадиий асарни луғавий-услубий асосда ўрганувчи тадқиқотчилар учун муҳим. Бадиий нутқ хусусиятларини таҳлил қилишда кенг имкониятлар яратиб беради. Бадиий насрнинг муҳим хусусиятларидан бири унинг луғавий жихатдан турли услубий қатламларга мансуб сўзларни қамраб олишидир. Умуман, бадиий наср лексикаси умумистеъмол, китобий сўзлар, оғзаки нутққа оид сўзлар асосида вужудга келади. Шу боисдан, бадиий наср лексикасини ўрганишда нутқнинг хусусиятларидан келиб чиқиб, уни а) умумистеъмол лексика; б) китобий лексика; в) оғзаки нутқ лексикаси каби қатламларга ажратган ҳолда ўрганишни лозим топдик.

**Умумистеъмол лексика.** Ўзбек миллий тили ва унинг ажралмас бир қисми бўлган бадиий нутқ луғат таркибининг асосини умумистеъмол лексикаси ташкил қилади. Ўзбек тилининг умумистеъмол лексикаси етарли даражада ўрганилмаганлигидан ташқари, бу луғавий қатлам ханузгача ўзининг муносиб атамасини ҳам топа олмаган. Бу тушунча тилшуносликда қўлланиш доираси чегараланмаган лексика<sup>22</sup>, кенг истеъмол сўзлари, актив қатлам<sup>23</sup> деб юритилмоқда. Масаланинг моҳиятидан келиб чиқиб, мазкур ишда умумистеъмол сўзлари терминини қўллашни лозим топдик.

Умумистеъмол сўзлари нутқнинг барча турлари учун, шу жумладан, бадиий адабиёт учун ҳам фаол луғавий қатлам ҳисобланади. Бундай сўзлар бадиий асарларда фикр ифодалаш учун муҳим ва асосий материаллардан бири сифатида хизмат қилади. Умумистеъмол сўзларининг бадиий нутқ доирасидаги вазифаси кенг. Чунончи, умумистеъмол сўзлари, биринчи навбатда, нутқ жараёнида қўлланиладиган барча қатламларга оид сўзларни бирлаштириб турувчи занжир вазифасини бажаради. Насрий асарларни кузатиш шуни кўрсатадики, умумистеъмол сўзлари бошқа қатламдаги сўзларга нисбатан маъно ифодалаш имкониятининг кенглиги ва кўп маънолилиги билан характерланади. Ажратилган бу икки хусусият умумистеъмол сўзларнинг бадиий насрда муҳим луғавий қатлам эканлигидан далолат беради. Масалан, *Шимоли-ғарбдан вазмин судралиб келиб шаҳар осмонини карвонсарой қилиб олган гала-гала булут карвонлари ҳордигини чиқариб олди шекилли, манзилдан аста қўзғалиб, ғарби-жануб томон йўл олди. Бу ҳаракат ердан қараган кишига жуда вазмин кўринса ҳам, таажжубки, поёнсиз булут карвони кўк саҳнини кўз илғамас тезлик билан тарк этди-да, орадан бир соат ўтар-ўтмас тўлин ой ва жимир-жимир юлдузлар кўриниб қолди.* (Х. Ғулум. «Мангулик») Аввало бу матн бадиий ифодага, маълум

<sup>21</sup> Виноградов В.В. О языке художественной литературы. – С. 7.

<sup>22</sup> Ўзбек тили лексикологияси. – Тошкент: Фан, 1981. – Б. 11.

<sup>23</sup> Бегматов Э. Ҳозирги ўзбек адабий тилининг лексик қатламлари. – Тошкент: Фан, 1985. – Б. 25.

образлар уюшмасига эга. Матнда сифатлаш, ўхшатиш, жонлантириш каби бадий усуллар, образли ифодалар мавжуд. Унда сўзнинг маъно нозикликларидан маҳорат билан фойдаланилган, яъни *карвон, карвонсарой, ҳордиқ, манзил, қўзғалиб, йўл олмоқ* каби сўз ва сўз воситаларининг кўчма маъноларда қўлланилиши бадийликни кучайтирган. Хуллас, табиатнинг тиниқ тасвири чизилган бу бадий парчада жами 59 та сўз қўлланилган. Улардан 9 таси китобий сўз, 3 таси тарихий сўзлар, 4 та географик термин, қолган 38 таси умумистеъмол сўзларидир. Ушбу матн насрий нутқда умумистеъмол сўзлари нутқий таъсирчанликни таъминловчи муҳим луғавий воситалардан эканлигини кўрсатади. Аммо умумистеъмол сўзларининг бадий насрдаги услубий хусусиятлари ҳанузгача алоҳида ўрганилган эмас.

Бадий насрда умумистеъмол сўзлари ўзининг асл номинатив ва коммуникатив функцияларини бажариш нуқтаи назаридан ҳам ўта характерлидир. Фикримизнинг далили сифатида умумистеъмол сўзларнинг нутқ жараёнидаги уч хусусиятини қайд қилмоқчимиз. Биринчидан, умумистеъмол сўзлари бадий адабиётни адабий тил доирасига киритувчи асосий луғавий манбадир. Иккинчидан, бадий нутқнинг адабий тил тизимидаги бошқа нутқ кўринишлари билан луғавий жиҳатдан узвий боғлиқлигини таъминловчи асосий восита ҳам умумистеъмол сўзларидир. Учинчидан, бадий насрда кўплаб тасвирий воситалар умумистеъмол сўзлари ёрдамида вужудга келади. Бинобарин, юқорида қайд этилганидек, умумистеъмол сўзлари кўп маъноли сўзларга, синонимларга бой ва улар ёрдамида турли ташбеҳлар ҳосил қилиш имконияти чексиз бўлганидек, кўчма маъно ҳосил қилиш ҳам бу луғавий қатламда анча кучлидир. Масалан, тўпланган мисоллар таҳлилидан умумистеъмолдаги *тегмоқ* сўзининг насрий асарларда бошқа сўзлар билан бириккан ҳолда 20 дан ортиқ маънода қўлланганлиги маълум бўлди. Бу сўзнинг «тез» – лаби-лабига тегмай: *Ўзбек ойим эрининг истеҳзосига тушиниб қолди ва лаби-лабига тегмай бобиллай кетди* (А.Қодирий. «Ўткан кунлар»), «безор қилмоқ» – жонига тегмоқ: *Самоварчи, доворак меҳмон йигитга қора қилиб жонига текган чапанилардан қасдини олди.* (Ҳ.Ғулом. «Мангулик»), «ўзига келтирмоқ» – онгига тегмоқ: *Фақат Маҳкам хаёлини йигиб ололмай ўзи билан ўзи бўлиб ўтирарди. Ниҳоят Акбаровнинг бир гапи унинг онгига сал тегиб кетди.* (П.Қодиров. «Уч илдиз»), «таъсир этмоқ» – иссиқ тегиб: *Унинг фикрлари гўё юрагидан ёниб чиқаётгандай ва Маҳкамга иссиқ тегиб кўнглидаги музни эритаётгандай бўлди.* (П.Қодиров. «Уч илдиз») Шунингдек, бу сўзнинг бадий матнларда «ҳафа қилмоқ» (кўнглига тегмоқ), «жаҳлини чиқармоқ» (жиғига тегмоқ), «айтилмаган гап» (теша тегмаган гап) каби маъноларда қўлланганлиги умумистеъмол сўзларининг бадий насрнинг таъсирчанлигини кучайтиришда муҳим луғавий восита сифатида хизмат қилишидан далолат беради.

Матнда турли маъно ифодалаш имкониятининг кенглиги жиҳатидан умумистеъмол сўзлари алоҳида ажралиб туради. М.Содиқова «юрмоқ», «ухламоқ» каби ҳаракат феъли маъноларини изоҳлаб, сўзнинг маъно

ифодалаш даражаси кенг эканлигига алоҳида диққатни жалб этади<sup>24</sup>. Шу боисдан ҳам ишнинг ушбу бўлимида умумистеъмол сўзларининг бадий насрдаги вазибаларини ўрганишда, уларнинг кўп маънолилигига, бадий образ яратишдаги кўламдорлиги масалаларига алоҳида эътибор берилди. Чунки умумистеъмол сўзларидаги ифода имконининг кенглиги, кўп маънолилик бадий нутқ талабларига тўла мос келади. Фикримиз далили учун умумистеъмолдаги *қўймоқ* феълининг маъно хусусиятига мурожаат қиламиз.

*Қўймоқ* феълнинг асл маъноси «нарса, предметни бирор жойга қўйиш». У шу маъносида ҳам адабий, ҳам бадий тилда номинатив функция бажаради. Насрий асарларда эса бу сўзнинг қуйидаги маъноларда қўлланганлигини кўриш мумкин: «қолдирмоқ» маъносида (*...Исоқ оқсоқолнинг муҳаббат тарихини эшитишини бошқа вақтга қўйди. Ҳ.Ғулом. «Мангулик»*), «тегмаслик», «ҳалақит бермаслик» маъносида (*– Бечоралар шу ерда жон сақлаб ётишганга ўхшайди. Қўйинг, ўлмасин. Мирмуҳсин. «Умид»*), «гап кистирди» маъносида (*– Лампа мой эсдан чиқмасин, – деб қўшиб қўйди Ҳ.Ғулом. «Мангулик»*), «чидамоқ» маъносида (*Охунбобоевнинг дашноми малол келса ҳам, тишини-тишига қўйиб жим туришга мажбур бўлди. С.Аҳмад. «Уфқ»*) Шунингдек, бу сўз ёрдамида ҳолат ифодалангани ҳам кузатилди: «кулиб қўйди» (*Али Қушчи бу серҳашам ва сержило хонани томоша қиларкан, хаёлига бир фикр келиб маюс кулимсираб қўйди. О.Ёқубов. «Улуғбек хазинаси»*), «бўшаштириб қўйди» (*Баҳор ҳавоси ҳамма ёқни юмшатиб, алланечук бўшаштириб қўйди. П.Қодиров. «Уч илдиз»*) Бадий матнларда бу сўзнинг *елкасига қоқиб қўйди, ўрнини йиғиб қўйди, занжирлаб қўйди, хўрсиниб қўйди, кўз қисиб қўйди, қараб қўйди* каби кўплаб маъноларда қўлланилгани кузатилди.

Ишда умумистеъмол сўзларидаги кўп маънолилик, сўз маъноларидан баъзиларининг индивидуаллиги, бу маъноларнинг айримлари бадий насрда тасвирийликни кучайтириш вазибаларини бажарганлиги каби масалалар ҳам таҳлил қилинган.

**Китобий лексика.** Бадий наср луғавий жиҳатдан ранг-баранг бўлса-да, бу нутқ турида услубий жиҳатдан китобий сўзларнинг муҳим ўрни бор. Китобий сўзлар термини остида одатда нутқнинг ёзма-китобий шаклига хос бўлган луғавий воситалар тушунилади. Бу қатлам сўзлари тилнинг ёзма кўринишига хос бўлган турли услубларга оид сўзларни қамраб олади. Чунончи, китобий лексика таркибига илмий, расмий, публицистик нутққа хос сўзлар, шунингдек, бадий сўзлар ҳам киради.

Илмий терминлар бадий адабиётда қўлланганда, асосан, фаннинг бирор соҳасига оидлик хусусиятини сақлайди. Чунки илмий терминлар бадий адабиётда ҳам илмий нутқдагидек вазибани бажаради ва матнга илмий нутққа хос руҳни киритади. Масалан, *Муҳиддин Жабборович ўз хонасига чиқиб кетди, бироқ сал ўтмай юрагини гулгула босди. Нега қўшилиб бормади. Ахир Расул Оллоёрович селекционермас-ку? (Ў.Усмонов. «Гирдоб»)* Мисолдаги *селекционер* термини деҳқончиликка оид бўлиб,

<sup>24</sup> Содиқов М. Феъл стилистикаси. – Тошкент: Фан, 1975. – Б. 63-68.

ушбу матнда ҳам ўз маъносида ишлатилган. Шу билан бир қаторда, илмий терминлар бадиий нутқда кўчма маъноларда қўлланилиб, услубий вазифа ҳам бажаради. *Ҳозир истагини хафагарчилик лойқаси хиралаштираётган бўлса ҳам, лекин Замира ўқийдиган аудиториянинг ҳарорати, магнити йўқолган эмасди.* (П.Қодиров. «Уч илдиз») Бу парчада учта термин қўлланган. Улардан бири *аудитория* номинатив вазифада, *ҳарорат, магнит* терминлари эса кўчма маънода «муҳаббат» маъносида услубий вазифа бажарган. Терминларнинг бадиий адабиётдаги хусусиятларидан келиб чиқиб, Ҳ. Шамсиддинов терминлар илмий нутқда номинатив вазифа бажарса, бадиий нутқда ҳам номинатив, ҳам эстетик вазифа бажаришини қайд этган<sup>25</sup>.

**Бадиий сўзлар.** Бадиий сўзлар фақат бадиий асарларда қўлланиладиган, бадиий матнни луғавий жиҳатдан бошқа нутқ шаклларида фарқловчи таянч сўзлардир. Луғатларда *кт.* (китобий), *поэт.* (поэтик), *юқори.* (юқори услуб), *эск.* (эскирган), *бад.* (бадиий) каби белгилари билан ажратиладиган бундай сўзлар бадиий нутқ лексикасининг муҳим томонларидан биридир.

Бадиий сўзлар ўзбек тили луғат таркибида катта миқдорни ташкил этмайди. Масалан, А. Ҳожиёв томонидан тузилган синонимларнинг изоҳли луғатида 126 та сўз «китобий», 35 та сўз «эскирган», 23 сўз «поэтик», 27 та сўз бадиий услубга хос ва 13 та сўз ёзма нутққа хос сўз сифатида фарқланган.

Бадиий сўзлар алоҳида диққатга молик бўлган ўзига хос услубий қатлам, бадиий услуб сўзларидир. Шу жиҳатдан, Ғ. Абдурахмоновнинг «Бадиий услуб – бадиий адабиётда, унинг турли жанрларида қўлланиладиган ўзига хос тил ифодасидир», деган фикри диққатга сазовор<sup>26</sup>.

Бадиий сўзларни луғавий қатлам сифатида ажратиш ва бадиий нутқ жараёнидаги вазифаларини ўрганишдан мақсад қуйидагича:

а) бадиий сўзларнинг асосий қисми бадиий тилга оид бўлиб, уларнинг хусусиятлари фақат бадиий нутқ жараёнида очилади;

б) улар бадиий таъсирчанликни, нутқий жозибадорликни таъминловчи воситалардан ҳисобланади.

в) бадиий сўзлар ўзига хос луғавий-услубий хусусиятларга эга, бу ҳолатни ҳам бадиий матн рўёбга чиқаради.

Бадиий сўзлар турли-туман бўлиб, бу қатламга мансуб сўзларнинг бир қисми ҳозирги тил нуқтаи назаридан эскирган ҳисобланади.

Бадиий наср луғавий жиҳатдан анъанавий воситаларга асосланувчи матн тури, шу сабаб унда анъанавий воситалар, жумладан, эскирган сўзлар фаол учрайди. Эскирган сўзларнинг бадиий насрдаги ўрни маълум услубий вазифаларни бажариши билан ўлчанади. Чунончи, адабий тил учун эскирган деб ҳисобланадиган архаик ва тарихий сўзлар бадиий насрда турли услубий вазифаларни бажариб, луғавий жиҳатдан шу нутқ

<sup>25</sup> Шамсиддинов Х. Термины в художественной речи: Автореф. дисс... канд. филол. наук. – Ташкент, 1984. – С. 6.

<sup>26</sup> Абдурахмонов Ғ. Ҳозирги ўзбек адабий услуби ҳақида // Ўзбек тили ва адабиёти. 1992. – №5-6. Б. 33.

турининг ўзига хослигини таъминловчи муҳим лексик birlik сифатида намоён бўлади.

Умуман, бадиий нутқнинг луғавий жиҳатдан ўзига хослигини таъминловчи бадиий сўзлар кўп тармоқли вазифаларга эга ва фикрни бадиий жиҳатдан таъсирчан, образли ифодалаш имкониятини беради. Шунингдек, бу қатлам бадиий нутқда умумистеъмолдаги сўзларнинг турли маъно нозикликлари мавжуд бўлган синонимлари сифатида қўлланилиб, бадиий матнларни луғавий жиҳатдан бойлигини, фикрни бутун нозиклиги билан ифодалаш имконияти кенглигини кўрсатади.

**Оғзаки нутқ лексикаси.** Бадиий наср ифоданинг шундай бир кўринишики, унда нафақат тил тараққиётининг турли даврлари учун хос бўлган луғавий воситалар, балки нутқнинг бошқа турларига алоқадор луғавий birlikлар ҳам қўлланилади. Зеро, бадиий наср моҳиятан бадиий-образли матн бўлиб, у ифодали, таъсирчан, эмоционал-экспрессив воситаларга таянади. Ана шундай воситаларнинг бой манбаларидан бири оғзаки нутқдир. Ўзбек тилшунослигида оғзаки нутқнинг лексик ва синтактик хусусиятлари атрофлича ўрганилган тадқиқотлар мавжуд<sup>27</sup>, бироқ оғзаки нутқ воситаларининг бадиий адабиётдаги услубий хусусиятлари деярли ўрганилмаган.

Бадиий насрда учрайдиган оғзаки нутққа хос луғавий-грамматик воситаларни ўрганиш сўзнинг эмоционал-бўёқдорлиги, ифодалилиги, кўчма маъно орқали фикр ифодалай олиши, кесатик маъносида қўлланиши, халқ мақолларининг фикрий хулоса сифатида ишлатилиши кабиларнинг барчаси бадиий матннинг эмоционал-таъсирчанлигини таъминловчи воситалар эканлигини тасдиқлайди. Масалан, *Э, ўл, итялоқ. Дайди итнинг тумшуғини ёғ қилмай ўл. Итга берсанг ошингни, итлар гажир бошингни.* (А. Қаҳҳор. «Қўшчинор чироқлари») Мисолдаги деярли барча сўзлар оғзаки нутққа хос. Чунончи, *ўл, итялоқ, дайди ит* кабилар вульгар сўз ва сўз бирикмаларидир. Маълумки, ушбу фикр шахсга қаратилган. Ундаги биринчи сўз орқали сўзловчининг тингловчига бўлган муносабати, яъни нафрати ўз ифодасини топган. Бу эмоция кейинги *итялоқ* сўзи ва *дайди ит* бирикмасини қўлланилиши билан янада кучайтирилган. Нутқнинг салбий бўёқдорлигининг кучайиши нуктаи назаридан *тумшуғи* сўзининг қўлланилиши ҳам характерли. Оғзаки нутққа хос *тумшуғи* сўзи «оғиз» маъносида, асосан, уй ҳайвонларига, қушларга нисбатан қўлланилади. Юқоридаги мисолда шахсга нисбатан ишлатилган салбий маъноли бу сўзлар, биринчидан, сўзловчининг кишиларга ва ҳаётга муносабатини ифодалаган, иккинчидан, нутқий воситалар орқали сўзловчининг қандай киши эканлиги билдирилган, учинчидан, фикрнинг эмоционаллиги таъминланган. Бу ҳол оғзаки нутқ лисоний воситаларининг кўп вазифалигидан далолат беради.

<sup>27</sup> Ўринбоев Б. Ҳозирги ўзбек тилида вокатив категория. – Тошкент: Фан, 1972; Ўзбек тили сўзлашув нутқи синтаксиси масалалари. – Тошкент: Фан, 1974; Турсунпўлатов М. Лексика узбекской разговорной речи: Автореф. дисс... канд. филол. наук. – Ташкент, 1982.

Оғзаки нутққа оид сўзларнинг бўёқдорлиги уларнинг холис (нейтрал) ва китобий вариантлари билан солиштирганда янада яққол кўринади. Қиёс қилайлик:

<b>Бетараф сўзлар</b>	<b>Бадий сўзлар</b>	<b>Оғзаки нутқ сўзлари</b>
<i>бир оз</i>	–	<i>сал, андак</i>
<i>ботир</i>	<i>жасур</i>	<i>қўрқмас</i>
<i>вақт, пайт</i>	<i>он, лаҳза</i>	<i>махал</i>
<i>гапирмоқ</i>	<i>сўйламоқ</i>	<i>пўнғилламоқ</i>
<i>овоз</i>	<i>нидо</i>	<i>сас</i>
<i>осмон</i>	<i>само</i>	<i>фалак</i>
<i>доим</i>	<i>мудом</i>	<i>нуқул</i>
<i>секин</i>	<i>оҳиста</i>	<i>аста</i>

Ишда шу хилдаги сўз ва сўз бирикмалари, шунингдек, халқ мақолларининг оғзаки нутқ воситалари сифатида бадий нутқдаги ўрни таҳлил қилинган.

Оғзаки нутқ воситаларининг иккинчи гуруҳига диалект ва шеваларга оид сўзлар киритилиб, бу воситаларнинг ҳам бадий насрдаги ўрни ўрганилган.

Учинчи боб «**Бадий насрда вариантдошлик ва маънодошлик**» деб номланиб, унда маънодош луғавий бирлик сифатида синонимлар, вариантдош луғавий бирликлар сифатида дублет сўзлар ва сўз вариантлари ажратилиб, уларнинг бадий насрдаги маъновий ва услубий хусусиятлари таҳлил қилинди. Вариантдошлик ва унинг тил тизимида тутган ўрни масаласини ўрганиш кейинги йилларда тилшунослик фанининг муҳим муаммоларидан бирига айланди. Назарий адабиётларда вариантдошлик тил эволюциясининг объектив қонуниятлари асосида вужудга келганлиги қайд этилади<sup>28</sup>.

Вариантдошлик хусусида фикр юритилганда, бу воситаларнинг муҳим белгиси бўлган тилнинг барча нутқий кўринишлари учун хослигини алоҳида қайд этиш лозим. Шу боисдан, нутқнинг барча турларида сўз вариантларидан нутққа мосини танлаб ишлатиш нутқ маданиятининг асоси ҳисобланади.

**Синонимлар.** Синонимлар тил луғат таркибини бойитувчи, нутқда эса семантик ранг-барангликни таъминловчи муҳим воситалардан биридир. Синонимлар ҳам луғат таркибидаги бошқа сўзлар сингари умумий ва хусусий сифатларга эга. Зеро, синоним бошқа сўзлар каби маъно ифодалаш хусусияти жиҳатдан умумий бўлса, синонимик қатордаги сўзларнинг маъно ифодалашдаги ранг-баранглиги унинг хусусий жиҳатидир. Айни шу хусусият синонимларнинг бадий матнларда фаол қўлланиши учун замин яратади. Бадий нутқ образли-таъсирчанликка асосланувчи нутқ бўлганлиги учун, унда бирор тушунчани турли даражада ифодалаш

<sup>28</sup> Горбачевич К.С. Вариантность слова и языковая норма. – М.: Наука, 1978. – С. 3.

заруратининг туғилиши табиий. Бу вазифани нутқ жараёнида синонимлар бажаради.

Бадиият учун луғат таркибидаги барча сўзлар сингари синонимлар ҳам маъно ифодалаш воситаси, шу боисдан, бадиий нутқ синонимларнинг қўлланиш доирасини кенгайтиради, уларнинг маъновий-услубий хусусиятларини намоён қилади, тилни янги синонимлар билан бойитиб боради. Хусусан, бадиий адабиётда кўпинча ижодкорнинг сўз қўллаш маҳорати билан боғлиқ равишда янги синонимлар вужудга келадикки, улар ижодкорнинг сўз қўллашдаги индивидуаллигини намоён қилади (бундай синонимлар индивидуал синонимлар ҳисобланади). Бадиий матнда индивидуал синонимларнинг муҳим ўрни бор. Чунки улар бадиий нутқда фикрий образлиликни кучайтирувчи семантик-услубий бирлик сифатида муҳимдир. Масалан, *Кимдир четдан гап учирди*. (Ш. Холмирзаев. «Қил кўприк»), *...етмиш кунлик қамал билан хазинамиз жуда гариблашди*. (А.Қодирий «Ўткан кунлар») гапларни олиб кўрайлик. Уларда *гап учирди* – гапирди, *гариблашди* – кашшоқланди сўзларига синоним сифатида қўлланган.

Бадиий асарларда қўлланган аксарият индивидуал синонимлар ифодалайдиган тушунча матнга хослигича қолади. Масалан, *Меъмор Нажмиддин Бухорий хонадонидо доимо ярқираб турадиган бир юлдуз бор*. (Мирмуҳсин. «Меъмор») гапидаги *юлдуз* сўзи *қиз* сўзига синоним сифатида ишлатилган. *Қиз* тушунчасини ифодалаган бу сўзнинг маъноси шу матндагина реаллашади.

Бадиий нутқдаги тасвирийлик чегарасининг кенглиги синоним сўзларнинг кўплаб яратилишига имкон туғдиради. Бинобарин, бир тушунчанинг турли даражасини ифодалаш учун кўплаб лингвистик воситалардан фойдаланиш фақат бадиий насрга хос. Чунончи, «қарамоқ» маъносини ифодаловчи *қараш*, *боқиш*, *назар солиш*, *нигоҳ ташламоқ*, *тикилмоқ*, *анграймоқ* сўзлари тилнинг у ёки бу нутқ турларида қўлланилади.

Бадиий насрда «қарамоқ» маъносини ифодаловчи ушбу сўзлардан ташқари қўйидаги лисоний воситалар ҳам қўлланилгани кузатилади: *кўздан кечирди (...фронтчиларнинг хонадонларига кирди, томарқаларни кўздан кечирди)*, *кўзларини югуртди (Офтоб селида мавжланган гўза далаларига кўзларини югуртди)*, *аланглади (Жўра теваарак-атрофга ваҳима ташвиш ила аланглади Ойбек. «Олтин водийдан шабадалар»)*, *кўз ташлади (Пўлат папкага кўз ташлашга ҳам ижирганиб, хирмонга қараб кетди. О. Ёқубов. «Оққушлар, оппоқ қушлар...»)*, *михланиб қолди (Ҳамманинг кўзи Толмас Азимовга михланиб қолган эди; тикилди: Қўргонбой ота чой ичаётган ўғлига зимдан тикилди. Ў.Усмонов. «Гирдоб»)* ва бошқалар.

Умуман, синонимлар бадиий насрни ҳам луғавий, ҳам ифодавий жиҳатдан жилолантирувчи манба. Матнда синонимлар қанчалик кўп ва турли-туман бўлса, бадиий нутқ ҳам шунчалик ранг-баранг, таъсирчан ва ифодали бўлади.



**Дублет сўзлар.** Бадиий матнлар дублет сўзлар (мутлақ синонимлар)га бой<sup>29</sup>. Таниқли олима Н.А.Лукьянова синонимлар классификациясининг 3-даражасини бир-бирига айнан ўхшаш маънога эга бўлган тўлиқ ёки абсолют синонимларни фарқлайди<sup>30</sup>. И.Қўчқортгов «нутқда ўзаро ўрин алмашадиган сўзлар миқдори лексик синонимлар миқдоридан кўп» эканлигини қайд этади ва бу бирликларнинг барчасига нисбатан синонимик восита терминида фойдаланиш лозимлигини таъкидлайди ҳамда мазкур воситаларни: а) синонимик воситаларнинг ядро қатлами; б) синонимик воситаларнинг периферик қатлами каби гуруҳларга ажратган ҳолда ўрганиш масаласини ўртага қўяди, муаллиф синонимларнинг ядро қатламига синонимлар, дублет сўзлар ва вариантларни киритади<sup>31</sup>. Мазкур фикрларга қўшилиб, шуни қайд этиш лозимки, синоним, дублет ва вариант сўзлар орасида муайян фарқлар мавжуд. Чунончи, *зич-жисс*, *доим-ҳамиша*, *огир-вазмин*, *камчилик-нуқсон*, *ютуқ-муваффақият*, *лойиқ-муносиб*, *ахлоқ-одоб*, *йироқ-узоқ*, *паст-қуйи*, *тотув-аҳил*, *шарҳ-изоҳ*, *овқат-таом*, *расм-сурат* ва бошқа кўплаб маънони бир хил даражада ифодаладиган, услубий хусусиятлари мавжуд бўлмаган сўзларнинг бадиий асарларда қўлланиши турли омиллар билан боғлиқ бўлиб, ишда булар ҳақида тўхталиб ўтилган.

**Сўз вариантлари.** Сўз вариантлари ўзбек тилшунослигида кам ўрганилган, бу ҳақда А.Бобоева<sup>32</sup>, Р.Шукуров<sup>33</sup>, Э.Бегматовларнинг<sup>34</sup> айрим тадқиқотларида баъзи фикрлар билдирилган. Жумладан, А.Бобоева вариантдошликни мазмун ва моҳияти жиҳатидан айнан бир хил ёки бир-бирига яқин маънодаги нутқий воситаларнинг икки ёки ундан ортиқ шаклда ифодаланиши сифатида талқин қилади<sup>35</sup>.

Р.Шукуров эса семантик жиҳатдан бир хил, аммо фонетик ва морфологик жиҳатдан фарқланувчи икки ва ундан ортиқ сўзларни сўз вариантлари деб атайди<sup>36</sup>.

Т.В.Жеребило бир лексеманинг айнан бир хил, лекин орфоэпик, фонетик, морфологик, стилистик жиҳатдан фарқланувчи, тилда мустаҳкам ўрин олган ўзгаришларини сўзнинг вариантлари деб атайди<sup>37</sup>.

Демак, сўз вариантлари бир хил маънони ифодаладиган фонетик ва морфологик жиҳатдан фарқланувчи икки ёки ундан ортиқ сўзлардан ташкил топади. Сўз вариантларининг муҳим хусусияти умумнутқийлигидир. Бироқ лексик воситаларнинг табақаланиши жиҳатидан алоҳида ўзига хослик касб

<sup>29</sup> Лагутина А.Б. Абсолютные синонимы в синонимической системе языка // Лексическая синонимия. – М., 1967. – С. 121-129.

<sup>30</sup> Лукьянова Н. А. Термины и понятия лексикологии в схемах, таблицах, пояснениях и образцы анализа слов: учеб. Пособие // Н.А. Лукьянова – 3-е изд., стер. – М.: ФЯИНТА, 2020. – Б. 111.

<sup>31</sup> Қўчқортгов И. Лугавий синонимик воситалар ва уларнинг асосий турлари // Ўзбек тили ва адабиёти, 1984. – №4. – Б. 8.

<sup>32</sup> Бобоева А. Ҳозирги ўзбек адабий тилида вариантдошлик // Ўзбек тили ва адабиёти, 1979. – №6.

<sup>33</sup> Шукуров Р. Сўз вариантлари ҳақида // Ўзбек тили ва адабиёти, 1982. – №6.

<sup>34</sup> Бегматов Э. ва б. Адабий норма ва нутқ маданияти. – Тошкент: Фан, 1983.

<sup>35</sup> Бобоева А. Кўрсатилган мақола. – Б. 58.

<sup>36</sup> Шукуров. Р. Кўрсатилган мақола. – Б. 38.

<sup>37</sup> Жеребило Т.В. Словарь лингвистических терминов. Изд-во 5-е, испр. и доп. Назрань: 000 Плигринг, 2010. – С. 55.

этган бадийй ва оғзаки нутқ учун хос *устоз-устод*, *ишонмоқ-инонмоқ*, *макон-маскан* сўз вариантларининг иккинчиси бадийй нутқ доирасида вужудга келган бўлиб, нутқнинг шу турида турли нутқий имкониятларни вужудга келтиради. Масалан, *Бас, Амир Камолиддин сотқинлик қилган экан, эндиликда кимга инонмоқ, кимга суянмоқ даркор. Каминадан тагин не тилайсиз, устод.* (О.Ёқубов, «Улуғбек хазинаси») Бу типдаги *инонмоқ*, *устод* каби сўз вариантларининг кўпроқ бадийй матнларда учраши ва муайян услубий вазифаларни бажариши сўз вариантларининг вужудга келишида нутқнинг маълум тури муҳим эканлигини кўрсатади.

Умуман, маънодошлик ва вариантдошлик тилнинг бойлиги бўлиб, бадийй асарларда синоним, дублет ва вариант сўзлардан маҳорат билан фойдаланиш:

а) бадийй нутқнинг луғавий жиҳатдан турли-туманлигини уюштиради;

б) нутқнинг жозибадорлигини, таъсирчанлигини кучайтириб, эстетик кўламини оширади;

в) фикрни турли эмоционал бўёқларда ифодалаш имкониятини яратади.

Ишнинг тўртинчи боби «**Бадийй насрда образли ифодавийлик**» деб номланган бўлиб, унда бадийй насрда фаол қўлланиладиган тасвирий воситалар: метафора, ўхшатиш ва сифатлаш, уларнинг бадийй кўламдорлиги, нутқ жараёнидаги услубий вазифалари хусусида фикр юритилади.

**Троп ва фигуралар ҳақида** деб номланган биринчи бўлимда троп ва фигуралар ҳақида умумий маълумот берилган. Троп ва фигураларни тилнинг тасвирий воситалари сифатида ўрганилиши қадимги грек, ҳинд, рим риториклари фаолияти билан боғлиқ<sup>38</sup>. Антик даврда яшаган риториклар троп ва фигураларни нутқнинг беагаги ҳисоблаб, троплар алоҳида сўзлардан, фигуралар эса сўз бирикмаларидан ташкил топган деб қараганлар. Рус тилшунослигида троп ва фигураларнинг бадийй нутқдаги роли А.П.Веселовский ва А.А.Потебня тадқиқотларида ўз ифодасини топган<sup>39</sup>. А.А. Потебня бадийй тилнинг (поэзия тили) ўзига хос хусусиятларини ўрганар экан, унинг асосий белгиларидан бири метафориклиги эканлигини қайд этади ва шундай ёзади: «Поэзияда ҳамма вақт бошқача айтиш мавжуддир»<sup>40</sup>. А.А.Потебнянинг сўзнинг ички шакли («внутренняя форма слова») таълимоти асосида ҳам троп ва фигуралар ётади. Бу таълимотга кўра, троп маънони образли ифодалаш воситаси, фигуралар эса сўз ички шаклининг ўзига хос ҳолда барпо бўлишидир<sup>41</sup>.

Умуман, троп ва фигураларга нутқнинг беагаги, бадийй-образлиликни таъминловчи восита сифатида қараш кейинги йиллардаги тадқиқотларда муҳим ўрин тутган<sup>42</sup>. Ўзбек тилшунослигида троп ва фигуралар ҳақида

<sup>38</sup> Античные теории языка и стиля. – М., 1936; Баранников А.П. Изобразительные средства индийской поэзии. – Л., 1947.

<sup>39</sup> Веселовский А.Н. Историческая поэтика. – М.: Высшая школа, 1989; Потебня А.А. Эстетика и поэтика. – М.: Наука, 1976.

<sup>40</sup> Потебня А. Ўша ерда. – Б. 341.

<sup>41</sup> Потебня А. Ўша ерда. – Б. 205.

<sup>42</sup> Ефимов А.И. Стилистика русского языка. – С. 102-125; Арнольд И.В. Стилистика современного английского языка. – С. 139-159; Долинин К.А. Стилистика французского языка. – С. 133-159; Поляков М. Вопросы поэтики и художественной семантики. – С. 150-180.

М.Мукаррамов ва Р.Қўнғуров ишларида маълумотлар берилган<sup>43</sup>. Троп ва фигураларнинг ҳар бирини бадиий нутқда ўз ўрни бор. Хусусан, тасвирий воситалардан метафора, ўхшатиш, сифатлаш бадиий нутқ учун муҳим бўлиб, фикрий таъсирчанлик ва образлиликни оширишдаги имконияти билан алоҳида ажралиб туради. Шунинг учун ишда шу уч воситанинг бадиий нутқдаги ўрни хусусида фикр юритилди.

**Бадиий насрда метафора.** Метафоранинг бадиий нутқдаги вазифаси фикрий образлиликни таъминлаш билан белгиланади. Аммо бадиий матнлардаги барча метафоралар ҳам бу вазифани бажаравермайди. Бадиий матнда учрайдиган метафораларнинг маълум қисми умумнутқийлиги, тил тизимида мустаҳкам ўрнашиб қолганлиги билан ажралиб туради. Шунга кўра бадиий асарларда қўлланган метафораларни: а) полисемантик характердаги лисоний метафоралар ва б) бадиий метафораларга ажратиш мумкин.

Бадиий метафораларга хослик дастлаб, оригиналлик ва индивидуаллик билан белгиланади. Метафоранинг бу тури нутқда тайёр ифодаси бўлмаган фикрни индивидуал ифодалаш воситаси эканлиги учун ҳам кучли стилистик бўёққа эга бўлади.

Бадиий метафора образли, ифодалари ва таъсирчан воситадир. Шунинг учун унинг бадиий нутқдаги вазифаси образлилик, таъсирчанлик ва тасвирийликни таъминлашдан иборат. Одатда, метафора предметлар орасидаги бирор ўхшаш белгига таяниш асосида вужудга келади.

Метафоранинг бадиий қиммати ана шу белгининг яширин ёки очиқлиги билан ҳам боғлиқ. Яширин белги асосида вужудга келган метафораларда кўпинча индивидуал услубга хослик сезилади.

Индивидуал метафоралар бадиий нутқ учун муҳим бўлиб, бадиий фикрни олдин ифодаланмаган шаклда ифодалаш имконини беради. Шу боисдан ишнинг мазкур қисмида, асосан, индивидуал метафоралар ҳақида фикр юритилган.

Характерлиси шундаки, бирор тушунча ҳатто бир ижодкор томонидан ҳам бир неча индивидуал метафоралар орқали ифодаланиши мумкин. Масалан, П. Қодировнинг «Уч илдиш» романидан олинган куйидаги парчаларда «севги» маъносини ифодалаш учун *ажойиб музыка, жўшқин туйғу, қалб музыкаси, мислсиз музыка* каби индивидуал метафоралар қўлланилган. *Маҳкам бунинг ҳаммасини қалбида чалинаётган ўша ажойиб музыка садолари остида кўрар, соат тили «7» га яқинлашган сари қалб музыкаси юқори пардаларга чиқиб боради. Шундан кейин кўнглини тубига яна ўша мислсиз музыка эшитила бошлади. Ҳозир у жўшқин туйғулар ҳароратига ҳар қачонгидан ҳам кучлироқ эҳтиёж сезар эди.*

Ёзувчи Ойбек «қуёш нури» ифодалашда *қуёш қони* индивидуал метафорасини қўллайди. (...*турли-туман навлар қониб қуёш қонини эмадиган беҳад шакар йиғадиган...* «Олтин водийдан шабадалар») Индивидуал метафораларнинг образли ўхшашликка асосланган турида образлилик

<sup>43</sup> Мукаррамов М. Ўзбек тилида ўхшатиш. – Тошкент: Фан, 1976; Қўнғуров Р. Ўзбек тилининг тасвирий воситалари. – Тошкент: Фан, 1977.

даражаси яна ҳам кучли. Масалан, *Зероким, Мовароуннаҳр элини чулзаган бу зулмат қанчалик чўзилмасин, бир кун эмас, бир кун бу қора булут тарқаб офтоб чиқажасадур.* (О. Ёқубов. «Улуғбек хазинаси») Бу гапдаги *қора булут* метафораси «уруш», «ёмон кунлар» маъносида қўлланган. *Бу қора булутлар унинг атрофига қаердан келди.* (П. Қодиров. «Бобур») гапида эса *қора булут* метафораси «ёмон кишилар» маъносини ифодалаган. Ҳар иккала ҳолатда ҳам метафорик ифода образли ўхшашликка асосланган.

Умуман, бадий асарнинг таъсирчанлиги, образлилигини кучайтирувчи воситалардан бири бўлган индивидуал метафоралар фикр ифодалашдаги такрорланмаслиги билан характерланади. Қуйидаги метафораларда ҳам бу ҳолатни кўриш мумкин: *қуёш олтини – «Қуёш нури»* (*Кечқурунги қуёш олтинида товланган кўм-кўк майдончада...* Ойбек. «Олтин водийдан шабадалар»), *кундузлатган – «хурсанд қилган»* (*Қалбини кундузлатган завқ...* Ойбек. «Олтин водийдан шабадалар»), *пешонаси йилтиради, кулоқлари қизарди – «уялди»* (*Сукут қилиб ўтирган Бўтабойнинг пешонаси йилтиради, кулоқлари қизарди* А.Қаҳҳор. «Қўшчинор чироқлари»), *вулқон – «уруш»* (*Кўктошда кўтарилаётган вулқон Бойсунга яқинлашиб келмоқда* Ш.Холмирзаев. «Қил кўприк»), *ҳид – «хабар»* (*Э. Сафоров билан Самандаров шунинг ҳидини билиб районга кетган эканми?* А.Қаҳҳор. «Қўшчинор чироқлари»), *эговламоқ – «уришмоқ»* (*...келинини ҳовлида эговламоқда экан.* Ойбек. «Олтин водийдан шабадалар») ва бошқалар.

**Ўхшатиш бадий насрнинг муҳим воситаси.** Бадий матннинг тасвирий воситаларидан бири ҳисобланган ўхшатиш фикрнинг образлилиги, тасвирийлигини кучайтирувчи фавқулдда поэтик ифодадорлик кўламининг кучлилиги билан ажралиб турувчи ифода усуллари билан биридик. Ўхшатиш ҳам метафора сингари умумнутқий ҳодиса, аммо ўхшатиш ҳосил қилувчи воситалардаги образлилик кўлами бадий ўхшатишларда кучли. Бадий ўхшатишлар кутилмаган, аввалдан маълум бўлмаган ёки ўхшатилаётган предметлар учун хос бўлмаган, образли ўхшашлик асосида вужудга келади.

Ўхшатишнинг бу турига хос характерли хусусиятлар қуйидагилардан иборат:

а) бадий ўхшатишлар предметлар орасидаги оддий белги асосида вужудга келади. Масалан, *Олов ичига бош суқиб лоладек қип-қизил нонларни узиб устига сув сепар.* (С.Аҳмад. «Уфқ») Ўхшатилаётган предметлар – *лола* ва *нон* орасидаги ўхшаш белги оддий. Гарчанд, бу ўхшатиш учун асос бўлган ўхшаш белги аввалдан маълум бўлса ҳам, оддий нутқда бундай ўхшатиш қўлланмайди. Шу жиҳатдан ноннинг лолога ўхшатилиши индивидуал услубга хосдир;

б) бадий ўхшатишлар предметлар орасидаги мураккаб белгилар асосида вужудга келади. Ўхшатишнинг бу кўриниши образлилик даражасини кучлилиги, оригиналлиги ва бадий бўёқдорлиги билан ажралиб туради. Масалан, *Ташқаридан ювилиб, туман билан намланиб турган бу бино худди рангли балиқлар сузаётган аквариумга ўхшаб кетарди.* (А. Мухтор. «Чинор») Бу мисолда бир-бирига ўхшатилаётган икки предмет мавжуд. Булар матн

мазмунидан айнан кўриниб турган *бино* ва *аквариумдир*. Матндаги иккинчи ботиний ўхшатиш бино ичидаги турфа одамлар ва аквариумдаги балиқлардир. Ана шу иккинчи ўхшатиш биринчи ўхшатишни ҳосил бўлиши учун ҳам асос бўлган. Кўриниб турибдики, келтирилган мисолдаги ўхшатиш учун асос бўлган белги ўта мураккаб бўлиб, ўхшатишнинг бундай мураккаб белги асосида вужудга келиши бадий нутқ учун хос.

Ўхшатиш бадий тасвир сифатида энг кўп учрайдиган воситалардан бири бўлиб, унинг бир неча турини кузатиш мумкин. Масалан, *Оқ булутлар бўлганликдан қуёшнинг нури унча кесилмаган, қуёш тўр рўмол ичида ўтирган келинлар каби ер юзига сузилиб қарар эди.* (А.Қодирий. «Ўткан кунлар») Мисолда икки ўхшатиш – *оқ булут* ва *тўр рўмол*, *қуёш* ва *келин* мавжуд бўлиб, икки ўхшатиш учун бир белги, яъни оқ булутнинг оқ рўмолга қиёсланишига асосланилган. Бу ўхшатиш орқали унинг мураккаб турини кўриш мумкин. Ўхшатишнинг бу кўринишида ўхшатишлар кетма-кет келади. Р.Қўнғуров бундай ўхшатишларни ўхшатишнинг кенгайтирилган формаси сифатида талқин қилган<sup>44</sup>.

Ўхшатишнинг бу тури ҳам бир-биридан фарқланувчи учта кўринишга эга: а) асарда ўхшатиш кетма-кет келади, ўхшатишнинг биридаги ўхшаётган предмет бир йўла иккита предметга ўхшатилади. Масалан, *Шишадек тиниқ, қиз кўксидек бегубор осмонда ипакдек буралиб мезон учади.* (С.Аҳмад. «Уфқ»); б) ўхшатиш ҳосил қилувчи компонентларнинг бирида сифатлаш мавжуд бўлиб, ўхшатиш асосидаги белгини конкретлаштиради. *Баланд чўққилар устига ой худди оқ каптарни, унинг ним пушти шуъласида элас-элас кўзга чалинган қирлар худди чўккалаб ётган баҳайбат қадимий ҳайвонларни эслатарди* (О. Ёқубов. «Оққушлар, оппоқ қушлар...»); в) ўхшатиш кетма-кет келади, икки ўхшатиш учун объект вазифасини бир предмет бажаради. Масалан, *Пардек, енгил оппоқ булутлар чети ботаётган офтоб тигида худди кимхоб парчасидек лов-лов ёнади.* (С.Аҳмад. «Уфқ»)

Ўхшатишнинг бадий насрда турли кўринишлари мавжуд бўлса-да, улар орасида тузилиши жиҳатидан ўхшатишнинг объекти ва субъекти орасида ўхшаш белги мавжуд бўлмаган ҳолда ҳосил бўладиган турлари алоҳида ажралиб туради. Ўхшатишнинг бу турида предметлар эмас, балки бирор ходиса бошқа бир ходисага қиёсланиши асосида фикр ифодаланади. Масалан, *Шоқосимнинг назарида гўё ботган офтоб қайта чиқиб олам чарақлаб кетгандай бўлди.* (О.Ёқубов. «Оққушлар, оппоқ қушлар...») Ўхшатишнинг бу тури ижодкор фантазияси асосида образли идрок натижасида вужудга келади. Бу хилдаги ўхшатишларни М.Мукаррамов шартли равишда абстракт ўхшатишлар деб атаган<sup>45</sup>.

**Бадий насрда сифатлаш.** Ўзбек бадий насри сифатлашларга бой бўлиб, унда ҳам доимий, ҳам индивидуал сифатлашлар кўплаб учрайди. Умуман, бадий адабиётда сифатлашларнинг предмет, нарса ва ходисанинг қуйидаги белгилари асосида вужудга келганини кузатиш мумкин:

<sup>44</sup> Қўнғуров Р. Кўрсатилган асар. – Б. 46.

<sup>45</sup> Мукаррамов М. Ўзбек тилида ўхшатиш. – Б. 16.

1. Сифатлашлар бадий нутқда белги-хусусият билдирган сўзлар ёрдамида ҳосил бўлади: *пайваста қош, тигиз киприк, бодомгул дўппи, жозибали юз, нозик бўйин, латиф куй, сарин шабада* ва бошқалар. *Бобурга Тошкентнинг тўкин-сочин кузи, бағри кенглиги, тоғдан эсган сарин шабадаси маъсуд, ўсмирлик даврини эслатади.* (П. Қодиров. «Бобур»)

2. Сифатлашлар ҳолат ифодаловчи сўзлар воситасида ҳосил бўлади: *жимжит саҳро, ўткир қараш, маънос юз, сузук кўз, ҳиссиз назар* ва бошқалар. *Ўктамнинг сузук кўзлари энди беихтиёр равишда ҳовлида айланиб қолди.* (Ойбек. «Олтин водийдан шабадалар») Сифатлашнинг бу тури ифодадорлик кўлами билан ажралиб туради. Зеро, бундай сифатлашлар, асосан, инсон ҳолатини таърифлаш вазифасини бажаради. Бадий асарларда кўпинча бу типдаги сифатлашлар орқали инсон ўй-кечинмалари, нарса ҳодисага муносабати кабилар ифодаланади.

3. Сифатлашлар предметларнинг рангини ифодаловчи сўзлар ёрдамида ҳосил бўлади. Бундай сифатлашлар орасида рангни ифодалаш учун хизмат қиладиган *олтин, мрамар, кумуш* каби сўзлар фаол қўлланиши билан ажралиб туради. Масалан, сариқ рангни ифодалаш учун *олтин (олтин куз, олтин нур, олтин қуёш)*, оқ рангни ифодалаш учун *кумуш, мрамар (кумуш қиш, кумуш қор, кумуш тун, кумуш ирмоқ, мрамар булут, мрамар ҳаво)* каби сўзлар ишлатилади. Шунингдек, кўк рангни ифодалашда бадий *мовий, феруза, зангори, нилий* каби сўзлар сифатловчи вазифасида қўллангани кўплаб кузатилади.

4. Сифатлашлар предметнинг маза-таъминини билдирувчи сўзлар орқали ҳосил бўлади. Улар асосан, умумнутқий сифатлашлар жумласига киради. Бадий адабиётда маза-таъм билдирувчи *ширин* сўзи ёрдамида вужудга келган абстракт маъноли сифатлашлар тез-тез учрайдики, улар фақат бадий нутққа хосдир. Чунончи, *ширин орзу, ширин хаёл, ширин табассум* типдаги ифодаларда маза-таъм билдирувчи *ширин* сўзи асл белгини ифодаламаса-да, образлиқ даражасини кучайтирган. *Бироқ, бояги ширин орзулар ҳамон хаёлини тўлқинлантириб, кўзига уйқу қўндирмайди* (П. Қодиров. «Бобур»), *...лабларининг учидеги ширин табассум билан Ўктамга сузук қаради.* (Ойбек. «Олтин водийдан шабадалар»)

5. Сифатлашлар предметнинг шакл кўриниши ва ҳажм-ўлчовини билдирувчи сўзлар асосида вужудга келади: *киртайган кўз, тақир бош, ширмой юз, қуралай кўз, қирра бурун, кенг пешона, оғир турмуш, тор дунё, узун хаёл* ва бошқалар. *Оғир турмуш, тор дунё, узун хаёл*, типдаги сифатлашларда белгининг образли идрок натижасида вужудга келиши уларнинг бадий нутқ учун муайян имкониятларни ярата олишидан далолат беради.

Умуман, бадий адабиёт, хусусан, бадий наср сифатлашларга бой бўлиб, у ҳам бошқа бадий воситалар ва сўзлар сингари бадийятни, ижодкорнинг сўз қўллаш маҳоратини намоён қилувчи воситалардан биридир.

## ХУЛОСА

Ўзбек бадиий насрининг лингво-услубий шаклланишини ўрганиш, лингвистик ва бадиий тасвир воситаларининг насрий нутқдаги бадиий-эстетик моҳиятини таҳлил қилиш қуйидаги хулосаларга келиш имконини берди:

1. Ўзбек бадиий насри матнлари ўзбек миллий тилининг ижтимоий-тарихий анъаналарига мос лисоний, бадиий-эстетик вазифаларга эга бўлган шаклларида биридир.

2. Бадиий матн ўзбек тили услубияти тизимидаги ўзига хос ифода, нутқий тип бўлиб, унинг асосий моҳиятини нутқ жараёнида сўзлар орқали бажариладиган ижтимоий-эстетик вазифа белгилайди.

3. Ўзбек бадиий насри миллий тил лисоний имкониятларининг миқдор ва шаклига кўра, мазмун ва маъносига кўра қўлланилиши учун эркин ва тил бойлигини намоён этувчи муҳим воситадир.

4. Наср миллий тилнинг яшаш шаклларида бири, адабий тил услубининг ўзига хос нутқий кўриниши, тилнинг бадиий-эстетик вазифасини юзага чиқарадиган нутқий жараён, нутқий санъат, тил воситаларидан фойдаланиш маҳоратини намоён этувчи лисоний майдон.

5. Бадиий наср ва адабий тил орасидаги умумийлик ифоданинг бу икки шаклининг бир асосда – умумхалқ тили негизида вужудга келиши билан белгиланади. Бадиий нутқ ҳам, адабий тил ҳам умумхалқ тили воситаларининг танланиши ва маълум шаклга келтирилиши асосида курилади. Адабий тил ва бадиий наср учун умумий бўлган бу ҳолат улар орасидаги энг муҳим муштаракликлар. Бадиий матн таркибида адабий тил ҳам, адабий бўлмаган тил ҳам мавжудлиги уларнинг асосий фарқли жиҳатларидир.

6. Адабий тил меъёрлари адабий тил доирасидаги барча нутқ кўринишлари учун асос бўлганидек, бадиий наср учун ҳам асосдир. Бироқ маълумки, кўпинча бадиий матн адабий тил меъёрларига бўйсунмайди, матннинг бу турида адабий меъёрдан чекиниш ҳоллари кўп учрайди. Зеро, бадиий матннинг эстетик функцияси унинг лингвистик жиҳатдан кенгқамровлигини таъминлаб, ўзига хос меъёрнинг вужудга келиши учун замин яратади. Бадиий нутқ меъёрлари матнда сўз қўллаш билан эмас, сўз қўллашдаги маҳорат, сўзнинг услубий вазифа бажариш сари йўналтирилганлиги билан белгиланади.

7. Ўзбек бадиий насри ўзбек тили луғавий бойликларини кенг қамраб олади. Бу ҳол ўз моҳиятига кўра ижодкорга образли нутқ яратиш учун имкон беради. Образли нутқни юзага келтиришда сўзнинг кўчма маънолари, индивидуал қўлланишлар, синонимлар, сўз вариантлари каби луғавий воситалар ниҳоятда қўл келади. Бу воситалар ўзбек бадиий насрида бадиий нутқнинг эстетик таъсирчанлигини вужудга келишида хизмат қилган.

8. Бадиий наср – эстетик таъсирчан матн. Нутқнинг бу турида ифода воситаларга бойлик, кўпмаънолилик, маъно кўчиши орқали фикр ифодаланишнинг кучлилиги, сўз қўллашнинг ўзига хослиги асосида бадиий насрнинг муҳим хусусияти – эстетик таъсирчанлиги таъминланади.

9. Ўзбек бадиий нутқи услубий имкониятлар ва воситаларнинг вазифавий, услубий-семантик жиҳатдан намоён бўлиши учун кенг имконият яратувчи ўзига хос лисоний майдон. Шу сабабли ўзбек бадиий насрида образлилик, эмоционал-экспрессивлик, эстетик таъсирчанликни юзага келтирувчи услубий воситалар: метафора, ўхшатиш, сифатлаш бадиий матнга хос ифодалар, луғавий вариантлар, ниҳоятда серқўлланувчан ва сермахсуллиги билан характерланади.

10. Бадиий наср ҳаёт ҳақиқатини кенг кўламлилиги, серқирралиги билан акс эттиради. Бадиий насрнинг шу ўзига хос хусусияти унда умумистеъмол сўзлари, китобий сўзлар, оғзаки нутққа хос луғавий бирликларни, шунингдек, адабий-норматив ва диалектал сўзларнинг, илмий терминлар ва касб-хунар лексикаси унсурларининг қўлланилишини тақозо этади. Қайд қилинган луғавий воситалар ўзбек бадиий насрининг луғавий меъёрларини белгилайди.

11. Бадиий наср лексикасининг луғавий таркиби, лексик-семантик ва тематик гуруҳлари, сўзларнинг услубий ҳамда маъно қирралари, биринчи навбатда, асар учун асос бўлган мавзуга боғлиқ бўлса, иккинчи томондан, асар муаллифи бўлмиш адибнинг лисоний маҳоратига, қобилиятига боғлиқдир. Шу сабабли бадиий наср, аввало, санъаткорона нутқ, миллий тил маданиятини акс эттирувчи ўзига хос кўзгудир. Ушбу ишдаги кузатишлар ўзбек бадиий насрининг асосчилари А.Қодирий, Ойбек, А.Қаҳҳор, С.Аҳмад, О.Ёкубов, А.Мухтор, П.Қодиров, Ш.Холмирзаев асарлари бунга ёрқин намуна бўла олишини кўрсатади.

12. Бадиий наср луғавий хусусиятларини унинг таркиби ва вазифавий белгиларини шакллантиришда асар мавзусининг тарихий эканлиги, яъни ўтмишга оидлиги ҳам муҳимдир. Тарихий мавзуларга бағишланган асарлар тилида луғавий жиҳатдан эскирган сўзлар қатлами (тарихий сўзлар, архаизмлар, баъзи ҳозир қўлланилмайдиган (ўлик сўзлар) фаол ишлатилишини, аксинча, замонавий мавзуга оид асарлар тилида умумистеъмол сўзлар, янги сўзлар қатлами, окказионал сўзлар, илмий-техникавий терминлар, лаҳжа ва шеваларга хос унсурлар кўп эканини кўрсатди. Бу ҳол ўзбек бадиий матнга тарихийлик ва замонавийлик мезонлари нуқтаи назаридан ёндашиш ғоят муҳимлигини тасдиқлайди.

13. Бадиий насрни ўрганиш соҳаси, яъни ўзбек бадиий услубияти олдида бир қатор долзарб вазифалар турибди. Бу вазифаларнинг муҳимларидан бири бадиий нутқни тадқиқ қилиш усул ва методларини янада такомиллаштириш лозимлигидир.

14. Бадиий нутқни бадиий жанрлар, адабий турлар, тарихий ва замонавий мавзулар нуқтаи назаридан фарқлаган ҳолда таҳлил қилиш, бунда адабий мактаблар, йўналишларнинг хусусиятларини ҳам ҳисобга олиш ниҳоятда муҳим. Шунингдек, бадиий матнни ўрганишнинг лингвистик ва адабиётшунослик аспектларини фарқлаш ҳамда чегаралаш, унинг мезонларини топиш ҳам ниҳоятда долзарб муаммолардан биридир. Қайд қилинган муаммоларни илмий ҳал қилишда ўзбек бадиий насрий нутқининг ниҳоятда бой лисоний материали қўл келиши шубҳасиздир.



**НАУЧНЫЙ СОВЕТ DSc.02/30.12.2019.Fil.46.03 ПО  
ПРИСУЖДЕНИЮ УЧЕНЫХ СТЕПЕНЕЙ ПРИ ИНСТИТУТЕ  
УЗБЕКСКОГО ЯЗЫКА, ЛИТЕРАТУРЫ И ФОЛЬКЛОР  
ТЕРМЕЗСКИЙ ГОСУДАРСТВЕННЫЙ УНИВЕРСИТЕТ**

**УМУРКУЛОВ БЕКПУЛАТ**

**ОСНОВЫ ЛИНГВОСТИЛИСТИЧЕСКОГО ФОРМИРОВАНИЯ  
УЗБЕКСКОЙ ХУДОЖЕСТВЕННОЙ ПРОЗЫ**

**10.00.01 – Узбекский язык**

**АВТОРЕФЕРАТ ДИССЕРТАЦИИ  
ДОКТОРА ФИЛОЛОГИЧЕСКИХ НАУК (DSc)**

**Ташкент – 2020**

Тема докторской диссертации зарегистрирована Высшей аттестационной комиссией при Кабинете Министров Республики Узбекистан под № В2020.1.DSc/Fil204.

Диссертация выполнена в Термезском государственном университете/

Автореферат диссертации загружен на трех языках (узбекском, русском, английском) на веб-странице Научного совета [www.tai.uz](http://www.tai.uz) а также доступен на сайте Информационно-образовательного портала «Ziyounet» [www.ziyounet.uz](http://www.ziyounet.uz)

**Научный консультант:**

**Мирзаев Ибодулла Камалович**  
доктор филологических наук, профессор

**Официальные оппоненты:**

**Маматов Абди Эшонкулович**  
доктор филологических наук, профессор

**Каримов Суюн Амирович**  
доктор филологических наук, профессор

**Хакимова Мухайё Каримовна**  
доктор филологических наук

**Ведущая организация:**

**Ферганский государственный университет**

Защита диссертации состоится на заседании Ученого совета Института узбекского языка, литературы и фольклора DSc.02/30.12.2019.Fil.46.03. «28» XII 2020 в 11 часов. (100060, г. Ташкент, ул. Шахрисабз, 5. Тел.: (871) 233-71-44; факс: (871) 233-71-44; E-mail: [uztafi@academy.uz](mailto:uztafi@academy.uz).)

С диссертацией можно ознакомиться в центральной библиотеке Академии наук Республики Узбекистан (зарегистрирована под 45). (Адрес: город Ташкент, ул. Зиёлилар, 13. Тел.: (99871) 262-74-58)

Автореферат диссертации распространен в 2020 году «27» XII.  
(Протокол реестра № 5 от 27 XII, 2020 г.)



**Н.М. Махмудов**  
Председатель научного совета, по присуждению ученых степеней, доктор филол. наук., профессор

**Г.М. Исмоилов**  
Ученый секретарь научного совета по присуждению ученых степеней, кандидат филологических наук.

**Д.С. Худойберганава**  
Председатель научного семинара, по присуждению ученых степеней, доктор филол. наук., профессор

## ВВЕДЕНИЕ (аннотация докторской (DSc) ДИССЕРТАЦИИ

**Актуальность и востребованность темы диссертации.** В мировой лингвистике повышается интерес к исследованиям, освещающим поэтическую функцию слов в художественных текстах, художественно-эстетическую сущность языковых средств. Потому что анализ поэтических особенностей лингвистических средств в художественных текстах, изучение своеобразных закономерностей художественного текста в лингвостилистическом аспекте является общезнаковой проблемой, научные направления и способы исследования которой многогранны. Исследование художественного текста в аспекте языкознания имеет важное теоретическое и практическое значение в раскрытии сути данной проблемы. Языковедческая наука понимает и изучает язык художественной литературы как одну из форм национального языка, как своеобразное проявление стилей литературного языка, как речевой процесс, выявляющий художественно-эстетические функции языка, как в виде своеобразного лингвистического поля, демонстрирующего грани речевого искусства и мастерства.

В мировой лингвистике лексико-стилистический анализ является одним из важных способов изучения художественной речи и этим способом изучаются лексический состав и фразеология художественной речи, проблемы своеобразного применения этих средств. Анализ художественных текстов в лексико-стилистическом отношении в фиксированном аспекте и сравнение лингвистических особенностей различных жанров между собой, безусловно, могут являться основой для важного заключения о художественном тексте и его закономерностях. В этом смысле уточнение своеобразия художественного текста является проблемой узбекского языкознания и определяет актуальность изучаемой темы.

Узбекское языкознание, частично литературоведение, имеют определённый опыт в сфере исследования художественного текста. Но исследования, посвящённые изучению языковых особенностей узбекской художественной речи или отдельных литературных видов, своеобразных закономерностей словоупотребления не исследованы в достаточной степени. «Перед нами стоят очень важные и актуальные задачи по дальнейшему повышению влияния и авторитета узбекского языка в государстве и обществе»<sup>1</sup>. В эти задачи входят многосторонние и глубокие исследования многих общетеоретических проблем языка узбекской художественной литературы. В осуществлении задач заинтересовано не только языкознание, но и литературоведение, эстетика, наука о воспитании, история узбекской национальной культуры и мышления в широком смысле.

---

<sup>1</sup> Речь Президента Республики Узбекистан Шавката Мирзиёева на торжественном собрании, посвященном 30-летию придания узбекскому языку статуса государственного языка: «Символ национального самосознания и государственной независимости». Г. «Нарондое слово» 22 октября 2019 г. №218 (7417)

Способы изучения художественного текста являются многогранными и изучение в лингвистическом аспекте различных художественных жанров в отдельном взятом виде, наблюдение над закономерностями употребления слов, относящихся к различным стилистическим пластам в нём, являются одной из проблем этой отрасли, так как узбекская проза и стихотворная речь по своим лексическим особенностям отличаются. Лексический охват прозаических произведений по отношению к поэтическим произведениям шире. И это обстоятельство подтверждает, что дифференцированное изучение художественных жанров по лексико-стилистическим особенностям является целесообразным. Такие исследовательские работы дают возможность определить: во-первых, закономерности дифференциации языковых средств в художественных жанрах; во-вторых, особенности применения лексических средств в различных жанрах; в-третьих, место и роль лексических средств в процессе создания образа.

Данная диссертация в определенной степени служит выполнению задач, намеченных в Указе Президента Республики Узбекистан № УП 4958 от 16 февраля 2017 года «О дальнейшем совершенствовании системы послевузовского образования», Указе Президента Республики Узбекистан № УП-5847 от 8 октября 2019 года «Об утверждении концепции развития системы высшего образования Республики Узбекистан до 2030 года», Указе Президента Республики Узбекистан № УП-5850 от 21 октября 2019 года «О мерах по кардинальному повышению роли и авторитета узбекского языка в качестве государственного языка», Указе Президента Республики Узбекистан № УП-6084 от 20 октября 2020 года «О мерах по дальнейшему развитию узбекского языка и совершенствованию языковой политики в стране», Постановлении Президента Республики Узбекистан № ПП-2909 от 20 апреля 2017 года «О мерах по дальнейшему развитию системы высшего образования», а также других нормативно-правовых документах, касающихся данной деятельности.

**Соответствие исследования приоритетным направлениям развития науки и технологий в республике.** Тема исследования соответствует приоритетному направлению развития науки и технологий республики «Формирование системы инновационных идей и способов их реализации в социальном, правовом, экономическом, культурном, духовном и образовательном развитии информированного общества и демократического государства».

**Комментарии международных научных исследований по теме диссертации<sup>2</sup>.**

По анализу языка художественного произведения, изучению на лингвистической основе лексико-стилистических особенностей художественного текста ведутся исследования в университетах, научных

---

<sup>2</sup> Диссертация мавзуси бўйича хорижий илмий тадқиқотлар <https://www.disercat.com>, <https://www.sgu.ru>, [www.dslib.net](http://www.dslib.net), <https://www.sciencedirect.com>, <https://link.springer.com>, [www.amazon.com](http://www.amazon.com), [www.lancaster.ac.uk](http://www.lancaster.ac.uk) ва бошқа манбалар асосида амалга оширилди.

учреждениях различных стран, в частности: в Уорикском университете, Ланкастерском университете, Оксфордском университете (Великобритания), Колумбийском университете (США), Университете Галаца (Румыния), Университете Ноттингема Нинго (Китай), Исламском университете Азад (Иран), Хашиминском университете (Иордания), в Институте языкознания Академии наук Российской Федерации, Московском государственном университете, Московском государственном педагогическом университете, Санкт – Петербургском государственном университете, Волгоградском государственном социальном педагогическом университете, Кубанском государственном университете, Бурятском государственном университете, Казанском государственном университете, Саратовском государственном университете, Пермском государственном университете (Россия), Самаркандском государственном университете, Каршинском государственном университете, Кокандском государственном педагогическом институте (Узбекистан).

В мировом языкознании достигнуты следующие научные результаты на основе изучения в различных аспектах особенностей языка художественной литературы: своеобразные лингвистические особенности поэтических, прозаических и драматических произведений на примере отдельных жанров анализированы английским учёным Майк Шортом (Ланкастерской университет, Великобритания); язык художественной литературы исследован в сопоставлении с обычным языком (Университет Ноттингема Нинго, Китай); изучены изобразительные средства, их функция в процессе художественной речи (Колумбийской университет, США); художественный текст анализируется с точки зрения стилистики (Исламской университет Азад, Иран); язык художественного произведения изучен в когнитивном аспекте (Университет Галаца, Румыния). Своеобразные особенности языка художественной литературы раскрыты, на примере чеченской художественной литературы анализированы семантико-стилистические и лингвокультурные особенности военных слов в языке художественной литературы (Институт языкознания академии наук России); анализированы эмоционально-экспрессивная лексика художественной речи, грамматические средства в прозаической и поэтической речи, своеобразные особенности языка художественной литературы, изучена лингвопоэтика согласованных словосочетаний в поэмах (Московский государственный университет); анализированы стилистические особенности средств разговорной речи в художественной прозе (Кубанский государственный университет); язык художественной литературы анализируется в лингвистическом аспекте (Бурятский государственный университет); военная лексика изучена в семантико-стилистическом и лингвокультурном аспекте, анализировано отражение морской терминологии в художественных произведениях (Волгоградский государственный социальный педагогический университет); то, что языковые средства анализированы на примере художественных текстов, наблюдается во всех научных учреждениях мира.

При изучении особенностей языка художественного произведения в мировом языкознании ведутся исследования по следующим приоритетным направлениям: изучение лексико-стилистических, лингвокультурных и лингвопоэтических особенностей языка художественной литературы; исследование эмоционально-экспрессивной лексики художественной речи; анализ своеобразных особенностей языка художественной литературы определённого народа; изучение стилистических особенностей слов, присущих различным речевым стилям, встречающихся в художественных произведениях; установление степени обеспечения изобразительными средствами художественной образности художественной речи; раскрытие мастерства творца путём лингвопоэтического анализа художественных текстов.

**Степень изученности проблемы.** В русском языкознании имеется много крупных работ, посвящённых изучению вопросов художественной речи. Среди исследований в этой отрасли отдельно выделяется ряд работ таких исследователей как В.В.Виноградова<sup>3</sup>, И.И.Ефимов<sup>4</sup>, Г.О.Винокур<sup>5</sup>, А.А.Потебня<sup>6</sup>, Я.Мукарджовский<sup>7</sup>. В этих исследованиях подробно излагаются теоретические вопросы художественной речи, её изучения и анализа. Хотя, основа вопросов художественной речи создана данными учёными, в развитии исследовательских работ в этой отрасли большое значение имеют исследования, которые появились в последние годы. Это обстоятельство ярко видно в работах таких исследователей художественной речи как И.С.Ильинская, В.П.Григорьев, А.Д.Григорьева, Н.И.Иванова, Е.А.Некрасова, М.А.Бакина, А.Н.Васильева, Х.У.Юсупхаджиева, Д.Д.Санжина, И.Н.Чиплыгина, Д.Д.Ахметова, Е.Н.Гривенная, Т.Б.Радбиль, А.И.Фомин<sup>8</sup>.

В узбекском языкознании художественная речь в лингвистическом аспекте изучена Ш.Шоабдурахмоновым, И.Кучкартаевым, К.Самадовым, Э.Киличевым, Б.Бафоевым, С.Каримовым, Б.Юлдашевым, Л.Абдуллаевой,

---

<sup>3</sup> Виноградов В.В. О языке художественной литературы. – М. – Л: Гослитиздат, 1959; О теории художественной речи. – М.: Наука, 1971; Стилистика. Теория поэтической речи. Поэтика. – М.: АН, 1963.

<sup>4</sup> Ефимов А.И. О языке художественных произведений. – М.: Учпедгиз, 1962; Стилистика художественной речи. – М.: Просвещение, 1961.

<sup>5</sup> Винокур Г.О. О языке художественной литературы. – М.: 1991.

<sup>6</sup> Потебня А.А. Эстетика и поэтика. – М.: Наука. 1976.

<sup>7</sup> Мукарджовский Я. Литературный язык и поэтический язык. – СМЛК, 1967.

